



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIVOLILARI GAZETASI

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 4-oktabr, shanba

№ 80 (7585)

O'zbekiston Respublikasi Xalq o'qituvchisi



ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Ўқитувчи фидойилик тимсоли. Унинг бошқача бўлиш-га ҳаққи ҳам йўқ. Зеро, сенга устоз дея умидли нигоҳини тиккан, мурғак қалб ишончини ўғирлаш келажак, эл-юртга хиёнат қилиш билан баробар. Зотан, фарзанд иқболида эл-улус, Ватан истиқболи бор. Ўқитувчининг

элда азизу муқаррамлиги ҳам шундан, бахти, камоли ҳам шу бўлади. Юртимизда эса ана шундай мартабага эришган, халқ эъзозига сазовор бўлган фидойи устозлар кўп.

(Давоми 2-бетда)

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Таълим тизимидаги ислохотлар эса бевосита Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич ижроси билан боғлиқлиги барчамизга маълумдир. Миллий дастурнинг биринчи босқичи бо-

ўрни қандай? Куни кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи мажлислар залида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ва шу каби масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Matbuot anjumani

кази раҳбарининг биринчи ўринбосари Хайриддин Маъсудов Кадрлар тайёрлаш миллий дастури биринчи босқич натижалари ва бугунги кунда Миллий дастурнинг иккинчи босқичида амалга ошириляётган ижобий ишлар

Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ўзбектеелефильм" ижодкорлари томонидан яратилган "Келажак буюк давлатнинг умид юлдузлари" фильми намойишидан сўнг савол-жавоблар бошланди. Хусусан, мамлакатимизда

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИГА БАҒИШЛАНДИ

расида мамлакатимизда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Айни пайтда эса барча турдаги таълим муассасалари ходимлари ушбу дастурнинг иккинчи — сифат босқичи вазифалари ижроси билан машғул. Хўш, бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида қандай намоён бўлмоқда? Яқин келажакда соҳа ходимлари олдида турган долзарб вазифалар нималардан иборат? Бунда оммавий ахборот воситаларининг

Рисбой Жўраев, олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахрор Фуломов, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Мар-

сархисоби, бу жараёнда мавжуд бўлган камчиликлару дуч келинаётган долзарб масалалар, уларнинг ижобий ечимлари хусусида сўз юритишди.

акредитация қилинган хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган барча саволларга таълим соҳаси мутасаддилари томонидан атрафича жавоблар берилди. Шунини очик эътироф этиш керакки, савол-жавоблар жараёнида айрим хорижий ҳамкасбларимиз томонидан берилган саволлар уларнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазмун-моҳиятини, мамлакатимиз таълим тизимида амалга ошириляётган туб ислохотларни чуқур билмасликлари аён бўлди. Албатта, ана шундай матбуот анжуманлари таълим соҳасида олиб бориляётган ислохотларни халқаро миқёсда тарғиб этиши, шубҳасиздир.

Нурлан УСМОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири



РАИС — «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ»

Бугун юртимиз таълим тизимида кечаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад баркамол шахсни тарбиялашга қаратилгандир. Албатта, ўтган давр мобайнида бу борада улкан муваффақиятлар қўлга киритилганлиги рост.

Аммо, ҳали олдинда турган мини кутаётган етарли эканли-юмиб бўлмайди. Савол туғилади: соҳа ривожига ғов бўлаётган тўсиқлар нималардан иборату уларни бартараф этиш, юзага қалқаяётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳукумат томонидан яна қандай чоратadbирлар амалга оширилмоғи лозим?

Faollar kengashi

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами олдида ўзининг фидокорона меҳнати билан эл-юрт назарига тушган бир гуруҳ устозлар ва республика халқ таълими вазири ўртасида ўтказилган давра столи атрофидаги мулоқотда айни мавзу доирасида мунозара юритилди.

(Давоми 2-бетда)



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЎҚИТУВЧИНИНГ
БАХТИ НИМАДА?

4-бет

КУНЧИҚАР ЮРТ:
РАҚОБАТ ВА
ТАРАҚҚИЁТ

у ҳақида
нималарни биласиз?

6-бет

ПЕДАГОГИК-
ПСИХОЛОГИК ТАШХИС:

касба
йўналишида унинг
ўрни қандай?

8-9-бетлар

ОЛТИ ҲАРФЛИ
БОШҚОТИРМА

16-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Respublika gaz ta'minotini boshqarish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori matbuotda e'lon qilindi.

"O'ZBEKISTON MAKTABLARIGA KOMPYUTERLAR"

AQSh xalqaro rivojlanish agentligi (YUSAID) tomonidan moliyalashtirilayotgan va xalqaro tadqiqotlar va almashinuvlar kengashi (AYREKS) tomonidan ro'yobga chiqarilayotgan "O'zbekiston maktablariga kompyuterlar" loyihasi bo'yicha Qoraqalpog'istondagi 10 ta maktabga zamonaviy kompyuter va printerlar taqdim qilindi.

XITOI CHOYI KO'RGAZMASI

Xitoy Xalq Respublikasining yurtimizdagi elchixonasi tashabbusi bilan respublika mol-xomashyo birjasida xitoy choylari ko'rgazmasi bo'lib o'tdi. Unda XXRning 14 ta choy ishlab chiqarish kompaniyalari ishtirok etdi.

"ENG ULUG', ENG AZIZ"

O'zbekiston Respublikasi "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi hamda O'zbekiston ommaviy axborot vositalarini demokratiyalashtirish va qo'llab-quvvatlash ijtimoiy-siyosiy jamg'armasi an'anaviy "Eng ulug', eng aziz" respublika ko'rik-tanlovini e'lon qildi. Tanlovga ijodiy ishlar 2004 yil 1 avgustgacha qabul qilinadi.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилда ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами арафасида яна бир гуруҳ элнинг азиз инсонлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра халқ таълими соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатиш йўлидаги фидокорона хизматлари учун давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлдилар. Биз барча устозларни самимий муборакбод этган ҳолда "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвони соҳибаси, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-мактаб француз тили ўқитувчиси О.Ваҳобова билан қисқача суҳбатда бўлдик.

— **Авалло, сизни Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси унвони билан муборакбод этамиз. Ушбу хушxabарни илк бор эшитганингизда қалбингиздан қандай туйғулар кечди?**

— Ҳақиқатан ҳам устоз берган ўғитнинг, кўрсатган йўл-йўригининг баҳоси йўқ экан. Бунга ҳаётим давомида кўп бор амин бўлганман. Эътибор беринг, бугунги муваффақиятимга эришишда ҳам

очиқ юмгунча ўтган фурсат. Шуларни ёдга оларканман, ҳадигим бироз тарқагандек бўлди. Аммо давлат томонидан билдирилган бу ишонч зиммамдаги масъулиятни янада оширганлигини ҳис этдим.

— **Инсон бирор муваффақиятга эришганида ким ёки нимадандир қарздорлигини, бурчлилигини ҳис этади. Зеро, унинг ҳаёт йўлидаги бурилишларга қайсидир маънода уларнинг таъсири катта бўлади. Сиз бугунги ютуқларингизда ўзингизни кимнинг олдида қарздор ёки бурчли сезасиз?**

— Касбим ўқитувчи бўлганлиги боис энг аввало, ўқувчилар олдида ўзимни бурчли сезаман. Чунки улар илм истаб дарсга киришади. Шу боис бор билимим, изланишларим улар учун. Қолаверса, ўқувчиларимнинг ота-оналари, эл-юрт олдида қарздорман, албатта. Зеро, улар фарзандлари келажагини биз ўқитувчиларга ишониб топширишган. Мактаб жамоаси, устозларим олдида бурчлиман. Бу ишонччи суистеъмом қилиш катта гуноҳ. Ана шу бурч ва қарздорлик ҳисси муваффақиятларим гарови бўлаётганлигига ишонаман. Истардимки, ҳеч бир ўқитувчини ана шу туйғу тарқатмасин.

ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ БУРЧ

қайсидир маънода устозимнинг ўғитидан қувват олмадиммикан? Чунки айни ўқитувчилик касбини танлашимда ҳам илк устозим Фуломқодир аканинг берган насиҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари туртки бўлган. Ёдимда, бошланғич синфдан энди юқори синфга ўтган 6-7-синф ўқувчисиман. Ўша кезларда кадрларга бўлган эҳтиёж юқори экан, назаримда. Чунки ўқитувчининг етишмаслиги боис кўп бор бошланғич синфларга дарс ўтишимга тўғри келган. Шундан сўнг ўша ўқитувчим "Сендан ўқитувчи чиқади, қизим" дея имкон қадар менга кўмаклашарди. Эҳтимол, ўқитувчи хизматининг баҳоси ўқувчисининг эришган ютуғидадир.

Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган бундай эҳтиромни камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо деб биламан. Ушбу хушxabарни илк бор ўқитувчилар хонасида навбатдаги дарсга бирров кўз югуртираётган пайтимда эшитдим. Тўғриси, аввалига ишонмадим. Бироқ мактаб жамоаси томонидан билдирилган самимий табриклардан сўнг ўтган умрим, меҳнатимни ҳаёлан сарҳисоб қилдим. ... Илк ўқитувчи бўлиб келган йиллар, биринчи дарс, ўқувчимнинг тилидан айтилган француз тилидаги илк сўз, фан олимпиадасидаги дастлабки муваффақият ва Францияда таҳсил олиш истагидаги биринчи ўқувчим билан кечган сафаролди хайрлашув онлари... Буларнинг бари унутилмас лаҳзалар. Гуёки кўз

— **Сизнингча, ўқитувчилик касбининг оғирлиги, машаққати, унинг ҳузур-ҳаловати нимада?**

— Дарҳақиқат, ўқитувчилик касби машаққатли касб. Унинг масъулияти улкан. Бироқ, менинг назаримда, билмадим, касбимни, болаларни севганлигим учунми, очигини айтсам, оғирлиги сезилмайди. Лекин ҳузур-ҳаловатини жуда яхши ҳис этаман. Чунки тинимсиз изланишларнинг самараси ўлароқ ўқувчинг ҳеч курса дарсда аъло баҳо олса, шунинг ўзи ҳаловат, шунинг ўзи меҳнатинг қиммати.

— **Тажрибали ўқитувчи сифатида устозлик касбининг этагидан тутган ёш ўқитувчиларга тилакларингиз.**

— Ёш ўқитувчиларга илк ўғитим — биринчи навбатда ҳар бир дарсга жуда чуқур тайёргарлик асосида келмоқ лозим. Ўқинчидан, болани яхши кўрмоқ керак. Қачонки болани севсангиз ўтган дарсингиздан руҳланасиз, чарчаш билмасиз. Худди шундай, ўқувчи ҳам сизга меҳр қўяди. Меҳр тобланган жойда эса муваффақият бўлаверади.

Суҳбатдош: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Суратда: Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси О.Ваҳобова дарс жараёнида.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

РАИС — «ХАЛҚ ТАЪЛИМИ АЪЛОЧИСИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бугун юртимиз таълим тизимида кечаётган ислохотлар самараси ўлароқ, — дейди ўтирганларни мунозарага чорлар экан, Халқ таълими вазири Р.Жўраев, — фарзандларимизнинг замон талаблари даражасида билим ва хунар сирларини эгаллашлари учун кўплаб шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу ўқувчиларимизнинг жаҳон фан олимпиадаларида эришаётган ютуқларида ҳам аксланмоқда. Аммо олдимизда турган вазибалар ҳам талайгина. Улар эса биргалликда ҳал этилади. Чунки ҳукумат томонидан соҳа ислохотига қаратилган қарор ва фармонлар ижроси жойларда сиз—ўқитувчилар ёрдамида амалга оширилади. Шу боис, бу борадаги муаммолар нимадан иборатлигию уларни қандай ҳал этиш юзасидан билдирилажак фикрларингиз жуда муҳим.

Дарҳақиқат, бугун соҳадаги ислохотлар жараёнига назар солсангиз, энг аввало, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида узлуксиз таълим тизимини яратиш йўлида муваффақиятлар билан биргалликда муаммолар ҳам кўзга ташланади. Бу борада энг оғирлиқ нуқталардан болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб қилиш, умумий ўрта таълим муассасалари билан ўрта махсус ва олий таълим масканлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш, шунингдек, айрим таълим муассасалари моддий-техника базасининг ночорлиги, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг етарли эмаслиги, ўқитувчилар малласини ошириш каби кечиктириб бўлмас масалалар ўртага ташланди. Ва уларга ўзига хос ечим изланди.

— Таълим тизими ривожи — юрт эртасининг тараққиётини белгилайди. Шу боис, соҳа ислохоти нафақат халқ таълими ходимлари, балки шу замин фуқаролари бarchасининг масъулиятли бурчидир, — дейди ўз сўзида Паркент туманининг "Заркент" ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев. — Айни бурч хўжалигимизда таълим равнақига ҳам эътибор қаратишимизга туртки бўлмоқда.

Бу фикрга республика Халқ таълими вазири ҳам қўшилган, ўтган йиллар мобайнида хўжалик раиси ташаббуси билан мактаб ва болалар боғчаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш борасидаги изланишлари ва хўжалик ҳудудида янги мактаблар қуришга қаратаётган эътиборлари юқори баҳоланди. Эътиборлиси, йиғилиш сўнгида хўжалик раисига таълим соҳасига қўшаётган ҳиссалари учун Халқ таълими вазириликнинг "Халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони топширилди.

МУХБИРИМИЗ

Суратда: тақдирлаш маросимидан лавҳа акс этган.

Бурҳон РИЗО олган сурат.



Куни кеча Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси

ТИЛАКЛАР ҚАЛБЛАРГА УЛАШСА

Марказий қўмитаси томонидан Юнусобод ёпиқ теннис кортида ҳамиша элда азишу мукаррам устозларнинг касб байрамлари муносабати билан байрам тантанаси ўтказилди. Шодиёнани республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Зоир Қодиров очар экан, ўқитувчи-мураббийларнинг шарафли, шу билан бирга масъулиятли меҳнатларига ривож тилади.

— Дунёда, — деди ўз

Tadbir



нутқида нотик, — касблар кўп. Бироқ ўқитувчи меҳнатини, унинг заҳматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, фарзандлар иқболи ўқитувчининг машаққатли меҳнати ортидадир. Шу боис устоз-мураббий номига қанча таҳсин ўқисак оз.

Ўқитувчи номи, унинг меҳнати шу куни сўзга чиққан ҳар бир нотик томонидан шарафланди, улуғланди. Ўқитувчига билдирилган эзгу-тилаклар сўздан куйга, куйдан қалбларга улашди. Ай-



ниқса, ўзларининг ширали овозлари билан ўқитувчилар кўнглини хушнуд қилган, эл суйган санъаткорлар Фахриддин Умаров ҳамда Хожиакбар Ҳамидовларнинг чиқишлари эътиборли бўлди.

МУХБИРИМИЗ

Суратларда: тадбирдан лавҳалар Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ

У умумий ўрта таълим мактабларидан нимаси билан фарқ қилади?

Одатдаги иш кунларининг бирида Паркент туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабида Давлат таълим стандартлари талаблари юзасидан ўқувчиларнинг билим, кўника, малакаларини аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказдик. Мазкур мактаб замон талаблари даражасида қурилган. Етарли қулайликларга эга. Бугунги кунда мактабда 1794 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Мактабда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Олимпиада тест, ёзма иш натижалари бунди исботлаб турибди.

Текшириш жараёнида ўқувчилар билан келажак орзулари ҳақида суҳбат қурдик.

— 6-синфни тамомласам, туман марказидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабига бориб ўқиш ниятим бор, — дейди Элмурод.

— Нега энди айнан шу мактабга бориб ўқимоқчисан? Ахир мактабларингда шароит жуда яхши экан-ку? У ерда оладиган маълумотингни ўзинг ўқиётган мактабда ҳам олсанг бўлади-ку? — дея қизиқсиниб сўрадик ундан.

— Ихтисослаштирилган мактаб бошқача-да, — дейди Элмурод.

— Боз устига ихтисослаштирилган мактабда талаб кучли. Кўника олармикансан? — деб сўраймиз яна ўқувчини саволга тутиб.

— Изланган, қизиққан ўқувчи қийинчиликларни енгилса интилади, — дейди Элмурод.

Ана шу суҳбат сабаб Паркент тумани халқ таълими бўлимига қарашиб 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби фаолияти билан ҳам қизиқдик. Мактаб туман марказида жойлашган. Бино мослаштирилган шароитда иш кўради. Мактабга туманнинг турли ҳудудларидаги таълим муассасаларидан келган ўқувчилар қабул қилинади.

Бугунги кунда мазкур мактабда 235 нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга 16 нафар малакали ва

илғор ўқитувчилар сабоқ берапти. Дарс машғулоти ўтиладиган 11 та синфхонаси мавжуд.

— Мактабимиз ўз Низомига эга. Илм масканимиз туман ҳокимлигининг 2000 йил 23 октябрдаги 560-сонли қарорига мувофиқ лицей-интернат мактабидан ихтисослаштирилган мактабга айлантирилган. Ўқувчиларни лицей-интернат мактабига қабул қилиш тўғрисидаги қоидалар асосида қабул қиламиз. Мақсадимиз ёшларнинг ўз ихтидорлари ва имкониятлари даражасига мос ҳолда уларга билим олишлари учун шарт-шароит яратиб бериш, — дейди мактаб раҳбари М.Акрамов. — Ўқувчилар учун ошхона, кутубхона ишлаб турибди. Кундалик матбуот нашрлари ўз вақтида келтирилади.

Бугунги кунда туманда 2 та бошланғич (3-, 43-мактаб), 8 та 9 йиллик, 33 та умумий ўрта таълим ва 2 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатаёпти. Мазкур ўқув йилида таълим муассасаларида 31463 нафар ўқувчи ўқитилаёпти. Ушбу таълим муассасаларини ўрганиш жараёнида бир муаммо бизни ўйлантирди. Нима учун бир хил шароитда, бир хил имконияти бўлган ҳолда ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари билан умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларнинг билим савиялари орасида фарқ мавжуд? Бунга сабаб нима?

2002-2003 ўқув йилида жами 33 та таълим муассасасида 1444 нафар ўқувчи 11-синфни битириб чиқди. Шулардан 158 нафари турли олий ўқув юртларига ўқишга киришди. Жумладан, 11-умумий ўрта таъ-

лим мактабининг 115 нафар битирувчисидан 27 нафари олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришарди. 29-мактабни 43 нафар ўқувчи битирган бўлса, шундан 8 нафари талаба бўлишди.

Биз ҳокимия қилаётган 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби ҳам етарли шароитларга эга эмас. Шундай бўлса-да, бу маскандан таълим олиб чиқаётган ўқувчиларнинг билим даражалари энг юқори кўрсаткичларни бераёпти. Бунди қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин: 2000-2001 ўқув йилида 5-мактабнинг 169 нафар ўқувчисидан 38 нафари 11-синфни битириб чиқди. Улардан 35 нафари турли олий ўқув юртларига ўқишга киришди. 2001-2002 ўқув йилида эса 210 нафар ўқувчидан (гарчанд бу вақтда битирувчилар бўлмаган бўлса ҳам) 5 нафари олий ўқув юртларига ўқишга киришди. 2002-2003 ўқув йилида 222 нафар ўқувчидан 36 нафари 11-синфни тамомлаб, шундан 30 нафари турли олий ўқув юртларига ўқишга киришга муваффақ бўлдилар.

Туман, вилоят, республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари натижаларидан ҳам қувонса арзийди. 5-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари барча фан олимпиадаларида фаол қатнашади. Валбатта, юқори кўрсаткичларга эришадилар. Мазкур мактаб асосан она тили, математика, инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган бўлиб, бу соҳадаги ютуқлар кишини қувонтиради. Жумладан, олий ўқув юртларига кириш бўйича жавоблар самарадорлиги республика бўйича она тили фанидан 33,26 фоиз, ви-

лоят бўйича 29,36 фоиз, туман бўйича 26,78 фоиз, бевосита мактаб бўйича эса 36,33 фоизни ташкил этди. Математика фани бўйича бўлса, республика бўйича 50,98 фоизни ташкил этган бўлса, вилоят бўйича 41,04, туман бўйича 35,48 фоизни кўрсатаёпти.

Ҳўш, бундай ютуқларни умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларда кўриш мумкинми? Мумкин, бироқ жуда паст даражада.

— Мактабни битириб, олий ўқув юртларига ўқишга кириб, уни тамомлаб, мутахассисликларни бўйича ишга жойлашган ўқувчиларимиз тақдирига биз ҳеч қачон лоқайд эмасмиз, — дейди М.Акрамов. — Кўплаб ўқувчиларимиз бугунги кунда олий ўқув юртларини тамомлаб, ўз мутахассисликларни бўйича меҳнат қилаётдилар. Улар билан доим алоқадамиз. Зеро, ўқув-тарбия ишларининг намунали тарзда йўлга қўйилиши барча ютуқлар омили бўлиши табиий.

Ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар танлов йўли билан, тест натижаларига кўра қабул қилинади. Умумий ўрта таълим мактабларида фанлар кесимида чуқурлаштирилган синфлар фаолият кўрсатаётгани сир эмас. Шу ўринда савол туғилди: нима учун мактабларда ҳам ўқувчилар чуқурлаштирилган синфларга танлов шартлари асосида жалб этилмайди? Нега уларга мукамал тарзда ишланган дастур асосида дарс ўтилишига эътибор қаратилмайди? Агарда ихтисослаштирилган мактаб сингари талаб ва имконият яратилса, ўқувчилар билими янада ошиши мумкин-ку! Бироқ бу маса-

ларда умумий ўрта таълим муассасаларида етарли имконият ва шароит бўла туриб, ҳаракат сезилмаяпти.

Қаерда интизом ва талаб кучли бўлса, иш рисоладагидек бораверади. 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида эса, моддий техник базаси кўнгилдагидек эмас. Аввало, мактаб синфхоналари тор. Ўқувчилар учун ётоқхона йўқ. Синфхоналар етишмайди. Шундай бўлса-да, мактаб маъмурияти ота-оналар ва ҳомийлар ёрдамида жорий йилда битта синфхонаси қуриб, фойдаланишга топширишди. Узоқдан қатнаб ўқийдиган талабалар учун йўл ҳақи бепул қилиб берилган. Ошхона мунтазам ишлаб турибди. Кутубхона фондини бадий китоблар билан бойитиш мақсадида 120 минг сўмлик бадий адабиётлар келтирилди. Спорт майдончаси ҳам талабга жавоб бермаседа, туман халқ таълими бўлими кўмаги туфайли жорий йилда мазкур мактабга болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг спорт зали ажратиб берилди.

Айни вақтда мактабда ўқувчиларга масофадан туриб ўқишни технологиялари асосида билим бериш чоралари кўриляёпти. Таълим муассасаси янги русумдаги компьютерлар билан таъминланди. Бу ишларнинг бари ўқувчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун қилинаёпти. Ана шундай тадбирларга яраша туманларда ихтисослаштирилган мактаблар сонини кўпайтириш, уларнинг моддий техник базасини кенгайтириш замон талабидир. Бунинг учун ўқувчиларни жаҳон технологиялари асосида билим билан қуроолантириш имкониятларидан оқилона фойдаланиш, шижоат ва ғайрат, ташаббускорлик билан баркамол авлодни вояга етказишимиз зарур. Шундагина олдимизга қўйган мақсадларимиз келажак ворисларимиз тақдирини намоён бўлаверади.

Абдузхур ҚОРАБОЕВ, журналист

2003-2004 о'quv yili - Umumiy o'rta ta'lim muassasalari kutubxonalari faoliyatini takomillashtirish o'quv yili

Аксарият отахонларимиз нафақага чиққач, чойхонаю гузарларни обод қилиш пайида бўладилар ё кичикроқ дўкон очиб, майда-чуйда сотиш билан шуғулланидилар. Хуллас, ҳузур-ҳаловатни, ибодатни маъқул кўрадилар.

Собиржон ота Жўраев эса нафақага чиқса, ўз кутубхонасини бойитиш, китобхонлар сафини янада кенгайтиришни дилига тугиб қўйган эди. Шундай бўлди ҳам. 1991 йили нафақага чиққач, шахсий кутубхонасини кенгайтириш билан астойдил шуғулланди. Кўплаб китобхонларни, ўқувчи, талабаларни кутубхонага жалб этди. Янги адабиётлар билан бойитди.

Собиржон Жўраевнинг асли касби муаллим, у Ҳўжаобод туманидаги 1-ўрта мактабда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида ўзбек тили ва адабиёти фани

КИТОБ ЎҚИШГА ИШТИЁК УЙФОТИШ — ЭЗГУ ИШ

дейди хўжаободлик зиёли Собиржон ака

ўқитувчиси бўлиб ишлади. Бу даврда қанчадан-қанча сабоқлар бермади дейсиз. Кўплаб ёшлар қалбида китобга бўлган туганмас меҳрни худди шу Собиржон Жўраев уйғотган десам, муволаға бўлмайди.

У киши ёшлигидан китобга ўч эди. Болалигиданоқ ҳарф танибдики, қўлига қандай китоб тушиб қолса, дарров ўқиб чиқар, айрим жойларига тушунмаса-да, китобни авайлаб асраб қўярди. Эсида, мактабда ўтказилган китобхонлик кечаларида Собиржон кўп бор голиб бўлган, кўплаб мукофотлар олган.

Ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлишга аҳди ҳам айни китобга бўлган чексиз меҳри туфайлидир.

Муаллимнинг биринчи маоши китобга сарф бўлди. Шаҳардаги китоб дўконида қизиқарли китоблар бор эканки,

ойликнинг барчасига китоб олиб қўйганлигини билмай ҳам қолибди...

Собиржон ака ўтилатган ҳар бир мавзу учун китоб олиб келар, ўзида бўлмаса, бошқа жойлардан излаб топишга интилар эди. Шундай қилиб узоқ йиллар тўплаган китоблари 7-8 мингтага бориб қолди. Унинг уйдаги кутубхонасидан ўқувчилар, ўқитувчилар, қишлоқ аҳолиси жон деб фойдалана бошладилар. Кутубхонага қўшни қишлоқлардан, қўшни туманлардан одамлар китоб сўраб келадиган бўлдилар. Китоблар сони ҳам кундан-кун кўпая борди.

1974 йили Собиржон ака кутубхонасининг довуғи вилоятга ёйилиб, 8000 китоб жамгармаси билан шахсий кутубхона сифатида рўйхатга олинди. Шу йили вилоят газетасида мазкур кутубхонага аъзо бўлиш тартиблари ҳақида мақола эълон қилинди ва дастлабки 313 киши кутубхона аъзоси сифатида рўйхатга олинди. Улар турли касб

эгалари, ўқувчилар ва талабалардан иборат эди.

Кутубхона расман рўйхатга олингандан сўнг вилоят ва туман китобсеварлар жамиятлари томонидан услубий ёрдамлар уюштирилди, янги китоблар билан бойитилди. Бир неча марта туман, вилоят даражасидаги китобхонлар, кутубхоначилар семинарлари ўтказилди.


Республика миқёсида ўтказилган шахсий кутубхоналар танловида Собиржон Жўраев кутубхонаси биринчи ўринни эгаллади.

Бугун ҳам у киши кутубхонани миллий истиқлол ғоялари билан суғорилган адабиётлар билан бойитишга ҳаракат қилмоқда. Тумандаги 1,-2,-3,-4-мактаблар, 21-гимназия ўқувчи, ўқитувчилари Собиржон Жўраев кутубхонасининг доимий ўқувчилари. Шунингдек, қўшни Жалақудуқ ва Булоқбоши туманларидан ҳам китобхонлар келиб туришади.

Собиржон Жўраевнинг шахсий кутубхонасида айни пайтда 6000 та китоб жамгармаси мавжуд. Уларнинг аксарияти бой ўтмиш меросимиз, истиқлолимизни мадҳ этувчи, бунёдкор халқимизнинг бугунги фидокорона меҳнатини тараннум қилувчи китоблардир.

— Кўп китоб ўқиган одамдан ёмонлик чиқмайди, — дейди Собиржон ота. — Ҳеч бўлмаса, бирор киши қалбида китоб ўқишга иштиёқ уйғота олсам, ўша кунги умримга шуқрона келтираман. Китоб улкан, беқиёс тарбия воситасидир.

О. СИДДИКОВ



БАРЧА-БАРЧАГА ЗАВҚУ ШАВҚ БАҒИШЛАДИ

Келажақ — ёшлар қўлида. Ёшларнинг таълим-тарбиясида эса ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам ҳар йили ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан турли тадбирлар ўтказилиб, уларга алоҳида эҳтиром кўрсатилади.

Ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишланган тадбир мактаб ўқувчиларини ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида ўзига хос тарзда кенг нишонланди ва у тарбияланувчилар ёйда узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди. Гап шундаки, шу кўни ушбу лицей ташкил этилганга 20 йил тўлди. Шу муносабат билан лицей директори, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Собиржон Аҳроров жамоани кўшалок байрам билан муборакбод этди ва таълим-тарбия жараёнида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ муаллим, тарбиячиларга Халқ таълими вазирлиги мукофотлари ҳамда эсдалик совғаларини тақдим этди.

Тантанали маросим ўқувчилар ҳаётида чуқур из қолдирадиган тадбирга уланиб кетди. Улар ҳарбий қасамёд қабул қилар эканлар, лицей Низомига риоя қилишга, ҳарбийлик касбини эъзозлашга, Президентига, она-Ватанига ҳамиша содиқ бўлишга тантанали

ваъда бердилар. Тантанали ҳарбий қасамёд жараёнини ота-оналар ҳамда Халқ таълими вазирлиги, Миробод тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси вакиллари, ОАВ ходимлари кузатиб туришди.

Сўнгра меҳмонлар эътиборига мусикий дастур ҳавола этилди. Чунончи, Ўзбекистон Қуроли Кучларининг Марказий ашула ва рақс ансамли солист ва раққосалари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Сулаймонова ва бошқа таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар, гўзал рақслар байрам тадбирига ўзгача жозиба бахш этди.

Байрам тадбири якунида лицейда ташкил этилган волейбол, футбол, миллий кураш, қўл жанги, бокс тўғарақлари иштирокчиларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Хуллас, ўқитувчилар ва мураббийлар кўни байрами ва 10-синф ўқувчиларининг "Ҳарбий қасамёд" қабул қилиш маросими ҳамда лицейнинг 20 йиллигига бағишланган тадбир барча-барчага ўзига хос завқ-шавқ бағишлади.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

Юнусобод туман ҳокимлиги ва туман ХТБ устозлар учун ноанъанавий тадбир — "Зобитлар уйи" истироҳат боғида сайил ташкил этилди. Ўқитувчилар ва мураббийлар эрта тонгдан кечгача фарзандлари билан мириқиб дам олдилар. Сайил давомида тумандаги 304, 417-болалар боччаси тарбияланувчилари, Қўшимча техник таълим мажмуаси иштирокчи-

Собир Раҳимов ТХТБнинг устозлар кўнига бағишланган байрам тадбири Ўзбек Миллий академик театри биносида бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, ШХТББ ходимлари йиғилганларни байрам билан табриклаб, ижодкор, ташаббускор ўқитувчиларга Фахрий ёрлиқлар, пул мукофоти ва совғалар топширдилар.

Байрам тадбиридаги ба-

Bayram xabarlari

лари, тўғарак аъзоларининг бадий чиқишлари барчага аъло кайфият бағишлади.

— Байрам тадбирларида ўқитувчилар фарзандлари ва ўқувчилари билан бирга бўлгани, оммавий ўйинларининг ўтказилгани ноанъанавий бўлди, — дейди услубиёт хонаси мудир Гулчеҳра Расулова. — Сайилга хушовоз хонанда Муҳаббат Ғофурова, шунингдек, Мукаррама Турғунбоева номдаги маданият уйи ходимларининг кўшиқ ва рақслари алоҳида файз киритди.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

диий чиқишлар — куй ва қўшиқлар, спектакль намойиши устозлар учун катта маданий-маънавий озуқа бериши билан ёдда қоладиган бўлди.

— Камтарин меҳнатимиз "Халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирланганидан мамнунмиз, — дейишди 24-мактаб ўқитувчиси Роҳат Жалилова ҳамда 159-мактаб ўқитувчиси Ҳамида Мансуровалар. — Бу унвон бизни янада масъулият билан ишлашга, касбимизни янада ардоқлашга ундайди.

Саида НИЗОМОВА

Фарғона шаҳридаги "Боғи Эрам" оромгоҳига 30 сентябрь кўни вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан илғор ўқитувчи ва мураббийлар байрам тадбири буюришди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Каримов очди ва устозларни сазимий табриклаб, таълим-тарбия соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ халқ таълими ходимларига вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғаларини топширди.

ВХТБ бошлиғи М.Хўжаев ҳам ўз табригида вилоят халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган фидойи инсонларга миннатдорчилик билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва таълим-тарбия ишини янада юқори савияга кўтаришдаги иштирокларида куч-қувват тилади. Илғор муаллим ва мураббийлар ВХТБ томонидан ҳам Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши.

Фарғона туманидаги "Шодлик" оромгоҳи ҳам шу кўни байрамона тус олди. Бу ерда вилоят ўрта махсус таълими худудий бошқармасига қарашли 72 та касбуна қўллаб кўришчи, 3 та академик лицейларда меҳнат қилаётган фидойи устозлар, касбуна усталари ва мураббийлар байрам шодиёнасида иштирок этишди.

Байрам дастурхонини вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Каримов табрик сўзи билан очиб берди. Худудий бошқарма бошлиғи И.Тўхта-синов барча устозларни табриқлар экан, энг илғор таълим ходимларига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг Фахрий ёрлиқларини қимматбаҳо совғаларга қўшиб топширди. Таниқли хонанда ва созандалар завқ-шавқ улашган байрам шодиёнаси унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,
"Ma'rifat"нинг махсус муҳбири

Ўқитувчи — қалби эзгуликка ошурфта инсон. У мурғак қалбларга эзгулик уруғини қадайд, илмга ташналик, ота-она, Ватанга меҳр ҳиссини уйғотади. Шу боис ҳам, азал-азалдан уларга юксак эҳтиром билан қаралади, эъзозланади, ардоқланади. Ҳаммада 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами шуқуқи кезиб юрган шу кунларда ана шундай эл ҳурматига сазовор инсонларнинг ўқитувчилик, бу касбнинг машаққати-ю лаззати ҳақидаги фикрлари билан қизикдик.

Ўғилой ХОШИМОВА,
Наманган шаҳридаги 31-мактаб ўқитувчиси,
"Халқ таълими аълочиси" кўкрак

ЎҚИТУВЧИНИНГ БАХТИ НИМАДА?

нишони соҳибаси:

— Ўқитувчилик касбини игна билан қудуқ қазишга тенглаштиришди. Унинг ҳар бир кўни изланишда, ҳаракатда ўтади. Ана шундай меҳнатни қўрмай, мардонавор енгиб келаётган устоз ва мураббийларга ёш авлод тарбияси йўлида ҳеч қачон чарчамасликларини тилаб қоламан.

Ҳар гал кўчадан кетаётганимда, ёнимдан, катта-кичик салом бериб ўтиб кетади. Қалбим бе-ниҳоя, энтиқиб кетади. Ўқитувчилик касбини танлаб, адашмаганимни ўша дамда ҳис қиламан, кўнглим ёришади. Ахир эл-ҳурматига сазовор бўлишдан-да улкан бахт борми бу дунёда?

Муаззамхон МАҲМУДОВА,
Ўқитувчи. Фарғона вилояти, халқ таълими бошқармасининг методика маркази бўлим бошлиғи, "Халқ таълими аълочиси" "Халқ таълими фидойиси" кўкрак нишонлари ҳамда "Шухрат" медал соҳибаси:

— Яқинда Марғилон-Фарғона йўналишидаги троллейбусларнинг бирига чиққан эдим. Манзилга етиб, йўл ҳаққини узатсам, ҳайдовчи йигит кул-

Faxr

ди-да, "опа, бу физиканинг маҳсули-ку, уят бўлмайди, чиптага сиздан пул олсак", — деб қолди. Ҳайрон бўлиб йигитга қарадим. Эсладим, ҳа, бу ўша синфдаги энг паст ўзлаштирадиган, шўҳ ўқувчиларимдан бири эди. Ушбу лаҳзадаги шу бир кичкинагина эътибор боис, кўнглимдаги хурсандчилик мени анчагача тарк этмади. Ўқитувчи учун бундан-да ортиқроқ бахт борми?

Муҳаббат РАҲМОНОВА,
Ўқитувчи, "Шухрат" медал соҳибаси:

— Мен эл эъзозидеги энг бахтли аёлман. Чун-

ки, шундай ажойиб устоз ва мураббийлар даврасида ўтирганимдан хурсандман. Меҳнатимни юксак кадрлаб, "Шухрат" медал билан тақдирлашлари эса зиммамга юксак масъулият ҳиссини юклайди, ўз устимда янада кўпроқ ишлашимга сафарбар этади. Бу нафақат менга, балки, бутун жамоамиз аҳлига берилган мукофотдир.

Дилсера НАРЗИЕВА,
Тошкент шаҳридаги 295-мактаб ўқитувчиси:

— Устозим менга: "Шеърят — бу дилбар оламдан таралаётган сеҳрли куйнинг муножаати, саргардон юракнинг арзанда боласидир", — дегандилар. Мана шундай гоят гўзал ва бетакрор тушунчаларни нафақат шогирдлар, балки шоирлар қалбига ҳам сингдира олган буюк зот — Устоздир.

Биз ҳам ўз навбатида барча устозларни мураббийларни, муаллимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда уларни байрам билан қўлаб, машаққатли ва шу билан бирга шарафли ишларига омадлар тилаб қолашим.

— Ҳамиша эл ардоғида бўлинг, азиз устозлар!

Муаллимларнинг дил сўзларини
Шаҳноза ЖҰРАЕВА оққа кўчирди



Тошкент шаҳридаги 51-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Роҳида Музаффарова 15 йилдан бери ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда.

Б.РИЗО олган сурат.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КЎНИ»

Андижон вилоят ўқувчилар саройида "Очиқ эшиклар кўни" ўтказилди. Ўқувчилар саройида 32 турдаги тўғаракларга 15 мингдан зиёд болалар жалб этилган. Бу ердаги "Аҳмадшоҳ" болалар каратэ клуби бугун республикамизда ҳам машҳур. Улар орасида Ўзбекистон чемпионлари бор. Бундан ташқари, "Ёш мусаввирлар", "Ёш техниклар", зардўзлик, рақс, ўлкашунослар, эстетика тўғараклари ҳам болалар қизиқиш билан қатнашадилар.

— Бу йилдан бошлаб тўғаракларимиз ишларини янада жонлашти-

риш ниятидамыз, — дейди ўқувчилар саройи директори Раънохон Қобулова. — Ниятимиз ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, бирор хуна эки касбга муҳаббат қўйишларига ёрдам беришдир.

"Очиқ эшиклар кўни" муносабати билан саройда катта концерт уюштирилди. "Аҳмадшоҳ" клубининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчилар ясаган буюмлар, тасвирий санъат асарлари кўргазмаси бўлди. Болалар учун аттракцион ўйинлари бепоул хизмат қилди.

О.СИДДИҚОВ

ХОМИЙЛИК ҲИКМАТИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида 52 та умумий ўрта таълим мактаблари бўлиб, уларда ўқиш, ўқитиш, таълим-тарбия ишларига туман ҳокими Қамбар Эшонқуловнинг алоҳида эътибори бор. Шу боис, кейинги йилларда илгари эътибордан четда қолган, хароба мактабларни қайта таъмирлаш, уларга қўшимча бинолар қуриб берилиши сабабли замонавий таълим ўчоқлари кўпаймоқда. Айниқса, ушбу мактабларнинг замонавий компьютерларга эга бўлаётганлиги ўқув жараёнининг сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ишларда эса саховатпеша хомийлар кўмагидан кенг фойдаланилаётганлиги эътиборга лойиқ. 2003 йил — Обод маҳалла йилида Қоранқул маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Уктамжон Нуриддинов худуддаги 15-умумтаълим мактабини янада обод қилиш мақсадида унинг ташаббускор директори Садирбой Уринов билан ҳамкорликда минглаб мевади дарахтлар экишди.

Бугина эмас, Қоранқулда мазкур мактабдаги таълим жараёнининг намунали бўлиши учун кўп йиллардан бери хомийлик қилиб келаётган "Хўжакент" дам олиш ширкат хўжалиги раҳбарияти ҳам четда турмади. Чунончи, мазкур хўжалик мактабнинг янги ўқув йилига қадар сифатли таъмирланиши учун ўз имкониятларини ҳисоб-китоб қилган ҳолда 800 минг сўм маблағ ажратди.

Бундан ташқари, 2002—2003 ўқув йилида тумандаги Хумсон қишлоғи худудидаги 16-умумий ўрта таълим мактабига "Чорвоқ" автокорхонаси томонидан 390797 сўм маблағ эвазига ёрдамчи бино қуриб берилган бўлса, жорий ўқув йилида хомий ташкилот мактаб ва унинг барча синфхоналарини сифатли таъмирлаб беришга кўмаклашди.

18-умумтаълим мактабнинг тажрибали директори, моҳир педагог Озод Жамолхонов Каскад ГЭСининг ўз мактабига кўрсатаётган доимий

хомийлик кўмаги ҳақида тўхталаркан, шундай дейди:

— Биз бугунги кунда аввалгидек бирор ташкилотга "ёрдам беринг", деб раҳбарларга ялинмаймиз. Аксинча, уларнинг ўзлари имкон қадар бизга кўмак беришга интилоқдалар. Зеро, юртимизнинг эртаси бугун мактабларда таълим олаётган фарзандларимиз истиқболда эканлигини ҳамма тушунади, ҳис этади. Шу боис, ўқувчиларимиз ҳам уларнинг ишончини оқлаб, "аъло" ўқишга ҳаракат қилишади.

Шунингдек, Хўжакент кўргонининг жоме масжиди имоми Саидазим Саидқосимов ташаббуси билан қишлоқ кексалари ўзаро келишиб, мактабга 100 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатишди. Эътиборлиси, бундай ташаббускор, қўли очик, сакхия хомийлар Хўжакентда жуда кўп топилади. Масалан, Хўжакент қишлоғи фуқаролар кенгаши расиси Элаш Ашуров, Чорвоқ кўргони фуқаролар йиғини раиси Шоикром Шорасуллов, Бўстонлик тумани автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Ҳасан Нишонбоев, "Чинор" чойхонаси раҳбари Мирза Мираддуллаев, ГСМ бошлиғи Фатхуллу Лутфуллаев, "Ёшлик" дам олиш оромгоҳи раҳбари Тўра Жумаевлар нафақат ўз худудларидаги мактаблар, уларда таҳсил олаётган ўқувчиларга, балки маҳаллалардаги кам таъминланган oilаларга ҳам беғараз ёрдам бераётганлиги таҳсинга лойиқ.

Ҳа, вақтинча иқтисодий қийинчиликлар юзага келаётган ва улар bartaraf қилинаётган бир пайтда қўли очик, бағри кенг хомийлар ёрдами қишлоқ аҳолисини ҳалол меҳнатга чорлаётган бўлса, мактаб ўқувчиларининг эса замонавий билимларни пишиқ-пuxta эгаллашларида кўмак бўлаётир.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
журналист



МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБ

Бир куни келиб ўқитувчи бўлишни орзу қилган ўқувчи, албатта, мактаб даврида устозларига нисбатан ўзгача меҳрда бўлади. Устозлик сир-асрорини ҳам ўша даврдан бошлаб ўрна бошлайди.

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 32-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Маъмуржон Отахонов 25-йилдан бери ёш авлодга ушбу фандан дарс бериб келмоқда. Ҳозирги кунда ўқитувчининг 10 дан ортиқ шогирдлари мактаб ва турли ўқув даргоҳларида таълим беришмоқда.

Суратда: М.ОТАХОНОВ янги ўқув йилида ўқувчиларга дарс ўтмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

География — қизиқарли фан. Айниқса, 9-синфда ўтиладиган "Жаҳон иқтисодий — ижтимоий географияси" дарслиги ўқувчилар учун ўзига хос дастур вазифасини ҳам ўтайди. Гап шундаки, дарсликнинг асосий мақсади ўқувчиларга дунё мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географиясига доир чуқур билим бериш, ўғил-қизларни мушакил билим олишга ва уни амалиётда муваффақиятли қўллашга ўргатишдан иборатдир. Хўш, бу дарслиқдаги тушунчалар ўғил-қизлар онгига қай тарзда етказилапти? Жараёнда қандай усул ва воситалардан самарали қўлланилапти? Ўғил-қизлар дунё мамлакатлари ҳақида қандай тасаввурга эгалар?

Биз Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабнинг география фани муаллими Ҳамза Сатторовнинг бир соатлик дарсида ана шу каби жиҳатларга эътибор қаратишга ҳаракат қилдик.

Даставвал, дарсда Япониянинг географик ва демографик салоҳияти ҳақида фикр юритилди. Чунончи, Япония Тинч океанининг Шарқий Осиё қўлбаси қирғоқлари яқинида жойлашган 6800 га яқин оролардан ташкил топган бўлиб, уларнинг умумий майдони 378 минг квадрат километрга тенгдир. Мамлакат майдонининг 99 фоизи асосан энг йирик тўртта орол — Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсю ороллари тўғри келади. Шимолдан Жанубга томон чўзилган Япония архипелагининг узунлиги 3000 километрни ташкил этади. Япония қирғоқларини Тинч океани ҳамда Япон, Шарқий-Хитой ва Охотск денгизларининг сувлари ювиб туради. Баландлиги 3776 метрга етадиган Фудзи тоғи Япониянинг лирик тимсолига айланган. Япониянинг каттагина қисми илқим шароитли зонада жойлашган бўлиб, бу ерларда йилнинг барча фасллари ўзгача тароватли бўлади. Мамлакатнинг деярли уч қисмини эгаллаган виқорли тоғ тизмалари орасида водийлар жойлашган. Бу текисликлар

га эса ям-яшил тепаликлару дарё ва кўллар алоҳида бир гўзаллик ва манзара бахш этади.

Лекин бу оролардаги ҳаётни осойишта ва роҳатли, деб бўлмайдми. Бир йил давомида бу ерларга 1700 мм гача ёғингарчилик ёғадики, бу кўрсаткич ёмғирли Буюк Британияга қараганда анча кўпдир. Бу билан бирга тайфун ҳамда тропик ёмғирларни, тез-тез юз бериб турадиган зилзилаларни ҳисобга олиш лозим. Фақатгина япон халқининг хайратланарли матонати табиат инжиқликларига бардош берибгина қолмай, мамлакатнинг гуллаб-яшнашига ҳам олиб келмоқда.

лар атрофлича жавоб беришга ҳаракат қилишди. Асосийси, улар ўз фикрларини матбуот материаллари асосида тўлдиришди. Савол-жавоблар билан бошланган мулоқот баҳсга айланди. Баҳс-мунозара усталик билан янги мавзуга уланди.

Янги мавзу: "Япония: хўжалиги, транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари, ички тафовутлари".

Дарс мақсади — ДТС талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчиларга Япония саноатининг асосий тармоқлари тўғрисида тушунчалар бериш;

— мулоқот усули орқали Япония ташқи иқтисодий алоқалари моҳияти

КУНЧИҚАР ЮРТ: РАҚОБАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

у ҳақида нималарни биласиз?

— Ўғил-қизларим, ўтган дарсда япон халқининг матонати, Япония мамлакатни жойлашган худуднинг табиий шароити ва минерал бойликлари тўғрисида кўплаб маълумотларни билиб олган эдингиз, — деб сўзини давом эттирди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳамза Сатторов. — Энди мавзунга янада тўлдириш учун савол-жавоблар баҳсини ўтказамиз.

Япониянинг худудий чегаралари, географик ўрни, табиий шароити ва табиий ресурслари ҳақида гапиринг. Аҳолисининг сони жиҳатдан ушбу давлат жаҳон мамлакатлари орасида нечанчи ўринни эгаллайди? "Кунчиқар мамлакат"да йирик шаҳарлар сони қанчани ташкил этади? Япониянинг "Иқтисодий мўъжизаси" тўғрисида нималарни биласиз каби саволларга ўқувчи-

ҳамда ички тафовут нималигини ўқувчилар онгига етказиш;

— Японияда қишлоқ ва халқ хўжалиги ривожини йўлида олиб борилаётган изланишларни қайд этган ҳолда она тупроққа меҳр уйғотиш, иккала юрт халқларининг уйғун жиҳатларини баён этиш орқали ўғил-қизлар қалбларини юксалтириш, шунингдек, истиқболнинг қадрига етишга ўргатиш.

Дарснинг жиҳози, Япониянинг табиий харитаси, дунёнинг сиёсий ва транспорт харитаси, турли жадаллар, дунёнинг қазилма бойликлари харитаси, Евроосиё харитаси, китоблар, қўшимча қўлланмалар. Янги мавзу ҳам ўқувчиларга бир сидра "сочма" саволлар бериш билан бошланди. Япониянинг тез ривожланишига қандай омиллар асос бўлапти? Ёқилги-энергетика саноати

Bir soatlik dars

қандай ривожланган? Қишлоқ хўжалигини таърифлай оласизми? Табиийки, ўқувчилар Япония ҳақида билганларини айтиб беришди. Ҳаттоки, улар японларнинг ижтимоий ҳаёти, маиший турмуш тарзини акс эттирган фильмлар тўғрисида ҳам гапирди.

Асосийси, аълочи ўқувчилар дарсда рақобат сўзини қўллашди ва унга бир неча мисоллар келтиришди. Масалан, Япония перефектураларининг ҳар бирида қишлоқ хўжалиғи махсулотла-

орқали ишга жойлашадилар. Ушбу ташкилотлар бошқарув маҳкамаси учун диплом (имтиёзли бўлса-да) муҳим рол ўйнамайди. Фақат синовдан ўтсангиз бўлди, ишлаверасиз. Масалан, микроскоп ишлаб чиқарадиган заводга ишга кириш учун даъвогар ракета моделини ясаши, ўз автопортретини чизиши, математика фанидан бир нечта мураккаб мисол ва масалаларни ечиши зарур. Иш жараёнида янгилик яратган ишчилар, хизматчилар, албатта, рағбатлантирилади...

Муаллим ўқувчилар фикрларини умумлаштириб, Япония хўжалиги, транспорти ва ташқи иқтисодий алоқаларига умумий таъриф берди. Ёқилги-энергетика, металлургия, автомобилсозлик саноатига, хусусан, Тинч океани саноат минтақаси хусусиятларига батафсил тўхталди. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш — бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолганини қайд этди.

Япониядаги илмий тадқиқот фаолиятининг ўзига хос томони шундаки, унга кетадиган харажат ялпи миллий маҳсулотнинг 3 фоизини ташкил этади, бу эса ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори кўрсаткич демакдир. Илмий тадқиқотларнинг ривожланишида хусусий корхоналар катта рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам 1997 йилда АҚШда лицензия олган 10 та энг йирик компанияларнинг 7 таси японларники эди. Дарс якунида ана шу каби маълумотлар тилга олинди, баҳс-мунозарада фаол қатнашган ўқувчилар муносиб баҳоланди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
"Ma'rifat" муҳбири
Сайёра СОДИҚОВА,
Тошкент вилояти ХТХМОҚТИ
катта ўқитувчиси

«ТОЗА МУХИТ – СОҒЛОМ АВЛОД ГАРОВИ» МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯДАН СИРТҚИ ОЛИМПИДАСНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ер юзида атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш кенг куламадаги долзарб муаммага айланди. Орол фожеаси, ҳавонинг кескин узгариши, ичимлик суви, атмосферанинг ифлосланиши каби муаммолар бугун барчани ташвишлантирмоқда. Инсон табиатга нисбатан ўз муносабатини ўзгартирмас экан, экологик таҳдидлар бизни ҳар қадамда таъқиб қилаверади. Буни тўғри англаб етган инсон табиатни ўз ҳолига асраб қолишга интиломда. Она табиатни асрашга, кишиларда экологик соғлом муносабатни шакллантиришга қаратилган қатор халқаро, минтақавий ва маҳаллий миқёсдаги экологик тадбирлар ўтказилмоқда.

«Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси ўқувчиларнинг экологик билимларини ривожлантириш мақсадида «Тоза мухит – соғлом авлод гарови» шиори остида Республика мактаб ўқувчиларининг экологиядан сиртқи олимпиадасини ўтказди.

Мақсад:
Ўқувчи-ёшларда табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-мухит тозаллигига шахсий масъулиятини ошириш, уларда экологик маданиятни шакллантириш.

Вазибалар:
— Обод Ватан тақдирини, келажак учун масъуллият ҳиссини ўйғотиш.

— Президент И.Каримов асарларидаги экологик гоя ва фикрларни ҳаётга татбиқ қилиш.

— Халқимизнинг табиатга бўлган бой миллий урф-одатлари, анъаналари, мероси ва муносабатини тиклаш ва сақлаб қолиш.

— Ўз ҳудудлари экологик ҳолати ва табиатини чуқур ўрганиш.

— Уқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб этиш.

— Уларнинг экологик, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Тадбир:
«5 июнь — Бутунжаҳон атроф-мухитни муҳофаза қилиш куни»га бағишланади.

Ташкilotчилар:
Халқ таълими вазирлиги, Республика «Bioekosan» ўқув-услубий мажмуаси ва тегишли ташкilotлар.

Олимпиада қуйидаги мавзулар бўйича ўтказилади:
Олимпиада иштирокчилари қуйидаги мавзулардаги маъруза, реферат, амалий тадқиқот ишлари натижаларини тақдим этадилар.

— Инсон ва унинг саломатлиги.

аниқ маълумотни юбориши керак.

Иштирокчилар:
— Сиртқи олимпиадада Республика халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг 13-16 ёшгача бўлган ўқувчилари қатнашади.

Қуйидаги ишлар қабул қилинмайди:
— Бошқа тадбирларда иштирок этиб, рағбатлантирилган ишлар.

— Олимпиада шартларига жавоб бермаган ишлар.

Изоҳ:
— Олимпиадага келган ишлар қайтариб юборилмайди.

— Олимпиадага келган материалларни дав-

— амалий тадқиқот ишининг мақсад ва вазибалари;

— амалий тадқиқот ишининг аҳамияти;

— ечилиши керак бўлган муаммолар;

— ечимнинг янгилиги, самарадорлиги;

— амалий тадқиқот ишининг бошланган ва тугатилган вақти;

— хулоса ва таклифлар;

— фойдаланилган адабиётлар; (Ишга илова)

— маҳаллий ҳудуднинг экологик харитаси;

— табиатни муҳофаза этишга йўналтирилган халқ анъаналаридан фойдаланган ишлар;

— атроф-мухит муҳофазаси акс эттирилган фотоальбом, видеотасма, экологик буклет юборилиши мумкин.

Амалий тадқиқот ишлари ва рефератларни қабул қилиш:
Экологиядан сиртқи олимпиада иштирокчилари амалий тадқиқот ишлари ва рефератларини 2003 йилнинг октябр ойидан 2004 йилнинг май ойигача «Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуасига юборишлари керак. Ишларни қабул қилишнинг охири куни 2004 йил 20 май.

Тақдирлаш:
Олимпиада ғолиблари ташкilotчилар томонидан тақдим этиладиган диплом ва совғалар билан ҳамда мажмуа томонидан ташкilot этилган «Ёзги экологик-оромгоҳ»га bepul йўлланма билан тақдирланади.

Олимпиаданинг якуний натижалари 2004 йилнинг 10 июль кунигача эълон қилиниб, «Маърифат» газетасида чоп этилади.

Ўтказиш жойи:
«Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси.

Sirtqi olimpiada

— Яшаётган ҳудуддаги экологик муаммолар.

— Ҳаёт учун сув.

— Тупроғим — она ерим.

— Биологик хилма-хилликни сақлаш.

— Барқарор ривожланиш ва экология.

Олимпиада шартлари:
— Ўқувчиларнинг мустақил равишда ёзган амалий тадқиқот ишлари, рефератлари 10 варақдан ошмаслиги керак. Реферат ва маъруза формати А-4 қоғоз ҳажмида чиройли безатилган ва иллюстрация қилинган булиши мақсадга мувофиқ;

— амалий тадқиқот ишлари, реферат, маъруза кургазмали график, чизмалар билан бойитилиши лозим;

— иштирокчилар аудио, видео, интернет материалларидан фойдаланиши мумкин;

— олимпиада иштирокчилари тақдим этиладиган ҳужжатларда тадқиқот олиб борилган ва маъруза тайёрланган жойлар курсатилиши керак;

— олимлар томонидан берилган тавсияномалар ҳамда қарорлардан кўчирма, раҳбар ҳақида тулиқ маълумот булиши шарт;

— олимпиада иштирокчилари ўзларининг исми, фамилиясини, турар жойи ва мактаб манзили, телефон ҳақида

рий матбуотда чоп этиш, муаллиф ҳуқуқларини сақлаган ҳолда амалга оширилади.

Танлов ишларига қўйиладиган талаблар:
— Иштирокчи томонидан танланган мавзу долзарблиги, мавзу қай тарзда баён қилинса, натижаси самарали булишини билиш;

— кузатган ишлар юзасидан ҳисобот ёзишни ва маъруза қилишни билиш.

— Экологиядан сиртқи олимпиадага тақдим этилаётган ишлар юқорида қайд этилганидек, уз маҳаллий ҳудуднинг муаммолари экологик ҳолатини барта-раф этиш йўллари ҳақида изланишлари, уларни амалиётга татбиқ этиш йўллари аниқ маълумотлар билан курсатилиши керак;

— олимпиадага қатнашаётган ўқувчиларнинг 4х6 см. улчамдаги 2 дона фотосурати ва ўқувчилик варақаси булиши лозим.

Реферат, амалий тадқиқот ишларида қуйидагилар аниқ баён этилиши зарур:

— Амалий тадқиқот ишининг мавзуси;

— маълумот олиш учун манзил: 700027. Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси-98, Тел.: (998-71), (3712), 41-27-23, 45-73-56, Fax/тел.: 144-62-10. E-mail: bioekosan@tkt.uz.

Бизнинг сайт; www.bioekosan.re.uz

Тошкент Ислон университетида «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» ва «Танланган ҳадислар» электрон китобларининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, олий таълим муассасалари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари, Тошкентдаги хорижий мамлакатларнинг элчихона ва халқаро ташкilotлар раҳбарлари, шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Тошкент ислон университети проректори Абдулҳай Абдуллаев тақдимот маросимини очар экан, ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни уйғунликда ўрганиб, илмий-назарий ёндашиш тамойилларига асосланиб, бу соҳада ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб боришга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида университетда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида қисқача тўхталди.

Маълумки, бугунги кунимизни компьютерсиз тасаввур қилиб

Ташкент Ислон университетида «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» ва «Танланган ҳадислар» электрон китобларининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, олий таълим муассасалари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари, Тошкентдаги хорижий мамлакатларнинг элчихона ва халқаро ташкilotлар раҳбарлари, шунингдек, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Тошкент ислон университети проректори Абдулҳай Абдуллаев тақдимот маросимини очар экан, ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни уйғунликда ўрганиб, илмий-назарий ёндашиш тамойилларига асосланиб, бу соҳада ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб боришга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида университетда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида қисқача тўхталди.

Маълумки, бугунги кунимизни компьютерсиз тасаввур қилиб



МАГИСТРАНТЛАР ИШИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ



бўлмайди. Ҳаёт телекоммуникацион воситалар таъсирида кескин ўзгариб бормоқда. Ўтган давр ичида инсоният китоблар оламида яшаб, босма матнларни ўқиш ва уларни тайёрлаш билан шугулланган бўлса, эндиликда компьютерлар оламида фаолият кўрсатиб, мульти-медиага бой гиперматнлар билан ишламоқда.

Университет «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши магистрантлари ҳам ислон манбалари бўйича турли электрон маҳсулотлар ва мульти-медиа асарлари яратишга муваффақ бўлишди. Жумладан, Абдуваҳоб Маъруфов «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» китобининг электрон вариантини тайёрлади. Ундан Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги таржимаси матнини лотин ва кирилл, араб алифболарида фойдаланиш, Қуръон қироатини эшитиш, сура ва оятларни қулай қидирув тизими орқали топиш мумкин.

Шунингдек, Олимжон Дадамұхаммедов «Танланган ҳадислар» электрон китобини Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳих», Абу Исо ат-Термизийнинг «Сунан ат-Термизий», Абдулазиз Мансур томонидан нашрга тайёрланган «Қудсий ҳадислар», «Минг бир ҳадис» китоблари асосида яратишга муваффақ бўлди.

Мазкур электрон китоблар информацион қидирув тизими кўри-нишида бўлиб, у дарслик сифатида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ҳам самарали фойдаланиш имконини беради.

Тақдимотда Тошкентдаги Миср Араб Республикаси элчихонаси Фан ва таълим маркази мудири Элдeрс Халаф Шокир, университет магистрантлари яратган электрон дастурларни юқори баҳолаб, Миср Олий таълим вазирлигининг нишонини топширди ва уларга илмий-ижодий изланишларида муваффақиятлар тилади.

Ушбу хайрли ва савобли иш аждодларимизнинг диний-илмий меросини ҳамда ислон динининг асосини ташкilot этувчи муқаддас манбаларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Тошкент ислон университети аспиранти

Хаёт мактабига қадам қўйишда, Қояни танишда, оқни билишда, Ўзидан каттани ҳурмат қилишда, Тайбия бейасиз, устозим таъзим... Шу ёйда ўтиган байча опажонларимиз, бизнинг азиз устозларимиз. Сизлани улуг айёмингиз билан таълим-лайимиз...

Ана шундай самимий тилаклар чучук тилларда янграган давра — бу Тошкент шаҳри туманларидаги ХТБ услубий бирлашма раҳбарлари йиғилган анжуман эди. Ҳам байрам баҳона, ҳам ижодий ҳамкорлик мақсадида мутахассислар "Нутқида нуқсон бор болалар учун мактабгача таълим муассасалари: коррекцион таълим жараёнида логоритмика усулларидан фойдаланиш" мавзуси доирасида баҳслашдилар.

Ушбу Тошкент шаҳри микёсидаги конференция Мирзо Улғбек тумани ХТБ тасарруфидаги 410-маҳсус МТМда ўтказилишининг ўзига хос сабаби бор экан. Анжуман давомида ҳақиқатан ҳам ушбу муассасанинг нутқни ривожлантириш бўйича қилган ишлари, янги педагогик тажрибалари ҳамкасбларига кўрсатгудек даражада эканлиги маълум бўлди. Буни ушбу муассаса логопеди Маъсуда Агзамованинг нутқи умумий ривожланмаган (НУР) катта гуруҳ тарбияланувчилари билан ўтказган "Менинг Ўзбекистоним" ноанъанавий машғулот мисолида ҳам айтиш мумкин.

Тарбиячи: Болалар бугун боғчамизга меҳмонлар келишибди. Улар билан саломлашамиз-да, машғулотимизда давом этамиз.

Болалар байрам кайфиятида фасллар, юртимиз шаҳарлари, обидалари, пойтахтимиз Тошкент, давлатимиз рамзлари, улуг донишманд бобокалонларимиз ҳақида билганларини гапириб берди. Бунда тарбиячи болаларнинг ўзларини кўпроқ гапиртиришга, сўзларни қарсақлар ёрдамида бўғинларга ажратишга алоҳида эътибор берди. Шундан сўнг болаларнинг ҳиссий билишларини ривожлантирувчи машғулот бошланди. Болалар ота-оналарини ишдан келганларида қандай кутиб олишларини, оналарининг пардоз-андоз қилишларини, бозордан оғир юк билан келишларини, чарчаганларида

қандай қилиб ухлаб қолишларини... мусиқа садолари остида тасвирлаб беришди. Тил айланиши, талаффузда қаттиқ ва тил ости ҳарфларини айтилишига бу жараёнда диққат қаратилди. Умуман, логоритмик ҳаракатларнинг коррекцион ишдаги аҳамияти машғулот мобайнида ўз аксини кўрсатди.

Мазкур йўналишининг натижаси си-

ланувчилари билан ўтказган машғулотда логоритмик ишлаш услубида яна бир жиҳатга эҳтиёж сезилиши кўзга ташланди. Бу мусиқа раҳбари билан ишлашди. Ҳар томонлама соғлом болаларга нисбатан диққати тарқоқроқ бу болаларни ўрганиб қолган нотўғри талаффуздан, журъатсизлик, айрим ҳолларда иродасизлик туфайли сўзларни

ЛОГОРИТМИКА — ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

фатида ушбу ўқув йилида 50 га яқин "нутқи умумий ривожланмаган" деган ташхис билан боғчага келган болалар оммавий мактабларга чиқарилганини ХТБ мактабгача таълим бўлими методисти Дилобар Зайниддинова айтиб ўтди.

Кейинги баҳс-мунозара логоритмика машғулотларида бармоқчалар гимнастикасини қўллаш бўйича кетди. Турли таклифлардан сўнг ушбу МТМ мутахассиси Шаҳноза Алимухаммедова ва 57-МТМ ходимаси Татьяна Бондаренколарнинг иш услублари кўриб чиқилди. Қўл моторикаларини ривожлантиришга қаратилган машқларда фольклор намуналаридан, безак берилган табиий тошлар, ёнғоқлар, қизикарли қўлқопчалар, қум қоғоздан ясалган шакллар орқали машғулот олиб бориш йўллари барчага маъқул тушди. Чунки шу тарздаги усул қўлланилганда, бирваракайига ҳам қўл моторикаси, ҳам жисмоний ҳаракат, ҳам нутқ ўстириш машқлари уйғунлашади.

Ушбу уйғунликни кўрсатиб берувчи 410-МТМ логопеди Татьяна Тумайкинанинг тайёрлов НУР гуруҳи тарбия-

чала-ярим гапиришдан қайтариш осон кечмайди. Уларни қизиқтириш коррекцион ҳаракатларни сидқидилдан бажартириш орқалигина мақсадга эришилади. Бу пайт мусиқий топшириқлар куйига жўр бўлган ҳолда гапириб, ҳаракат қилишга болаларни ундаш асқотади. Демак, бу ерда ўз-ўзидан яна бир хизматга муҳтожлик келиб чиқаяпти. Бу ҳам бўлса психолог кўмағидир. Семинарда психолог Жаҳон Саидназарова болалар билан ишлаш та релаксация услубини қандай қўллаш борасида мутахассисларга берган маълумотлари худди ана шу масалага қаратилган бўлди.

Йиғилганларнинг муносабатларини тест саволлари орқали аниқлаган психолог нутқида нуқсон бор болалар билан ишлашда индивидуал ёндашув билдиришга диққатни қаратди. Шунингдек, бевосита тарбияланувчилар билан ишлаб, рағбатлантиришнинг самарасини исботлашга ҳаракат қилди. Ҳеч бўлмаганда, болани бир кунда битта ҳарф ёки сўзни тўғри гапиртиришга эришиш ҳаракатларнинг зое кетмаётганини кўрсатади. Қолаверса, ушбу

Мактабгача та'лим

болаларнинг келажақда қимтинмасдан яшашига, ўзи ўйлаганларини тортинмасдан гапиришга, фикрини тўлиқ ва раван билдиришига сабаб бўлиш нафақат касбий, балки инсоний бурчимиз эканлигини барча иштирокчилар

ларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди. Ва ўз илмий тажрибалари, бу машаққатли ишлаш тарзининг ўзига хос тактикалари борасида фикр алмашди.

Шу ўринда логопед-мутахассисларнинг шу соҳа олимлари билан ҳамкорликда ишлаётгани нутқида нуқсон бор болалар МТМларида ҳам ишнинг бундан-да яшиланишига, янги тарбиявий усулларнинг яратилишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Бугун, ушбу даврада бунга биринчи қадам ташланди. Яъни шу турдаги МТМлар учун йиллик логоритмик машғулотлар режаси, ишлаш шакллари, қўлланиладиган воситалар жамланган папкалар ҳар битта туман вакилларига тарқатилди. Уларни топшира туриб, Тошкент шаҳар ХТББ мактабгача таълим бўлими бошлиғи Мухтабар Алимтоева шундай деди:

— Бугунги нутқида нуқсон бор



яна бир бор англади.

Навбат мутахассисларнинг бир-бирлари билан фикр алмашишларига келганда, шу ерда йиғилганларнинг деярли ҳаммасининг устози — Ўқув-педагогик коррекцион ва реабилитация маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор Лола Мўминова шогирдлари қўллаётган усуллар, ижодкорлик билан ўйлаб топаётган восита-

МТМларни ривожлантириш, айниқса, миллий гуруҳларимизда ҳам ишлаш тарзини кўтаришга қўйган қадамимизни, албатта, такомиллаштиришимиз керак. Бу ҳар биримиздан ижодкорлик талаб қилади. Биз болаларимизни соғлом ва ақлан ривожланган қилиб тарбиялашга бел боғладикми, демак, ҳеч биримизнинг чарчашга ҳаққимиз йўқ.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

"Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлидадир"

И.Каримов.

Неча минг-минг замонлар ўтди, асрлар ўтди, яхши-ёмон шохлар ўтди, пок-беғубор инсонлар ўтди. Уларнинг барчаси мустақилликни орзу қилиб ўтдилар.

Бу кунларни баъзида башорат ҳам қилишган, баъзида тасаввур қилишган. Орзу қилинган, умид билан кутилган бу кунларда биз ва сиз яшаяпмиз. Биз ҳам келажақни башорат қилишимиз мумкин. Бизнинг замонамизда башорат қилиш эмас, балки тасаввур қилиш лозимдир. Тасаввур қилишда ҳам ақлан, теран ва бўладиган нарсаларни тасаввур қилмоқ керак. Бунинг учун, аввало, кўпроқ ёшлар қалбини тинглаш лозим. Чунки ёшларнинг қалбларида келажаққа бўлган қуртатқан гоё мавжуддир. Ҳар бир ёш келажақни ўзи хоҳлаганидек тасаввур қилади. Мен кўп синфдошларимнинг фикрларини тинглаганимда уларнинг фикрлари бир-бирлариникига ўхшаб кетарди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини бундан-да яхшироқ, бундан-да чиройлироқ қуриш учун, аввало, бир нарса лозимдир. Бу ҳам бўлса, келажақни қура оладиган фарзандларнинг соғломлиги. Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тушунаман. Ўзбекистонни бундан-да ободроқ, бундан-да кўркамроқ қилиш учун ўзбек халқи соғлом бўлиши, маҳаллаларнинг ободлиги, кўчалар фаровонлиги, оилаларнинг тинчлиги керак. Маълумки, оила жамиятнинг асосий бўғини, яъни давлатнинг бир бўлагидир. Мамлакатимизни буюк давлатлар қаторига қўйиш учун соғлом фарзандлар зарур.

«БИЗ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯХШИРОҚ КЕЛАЖАҚНИ ҚУРИШИМИЗ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА СЕНГА ЁЗАМАН»

Соғлом фарзанд эса, соғлом онадан дунёга келади. Соғлом фарзанднинг дунёга келиши учун аёллар соғлом бўлиши керак. Ўзбекистонни юксакларга кўтарадиган соғлом фарзандларнинг дунёга келиши учун мен халқимнинг икки нарсадан огоҳ бўлишларини истайман. Биринчиси, қариндош-уруғлар ўртасида бўладиган никоҳ. Ҳаммамизга маълумки, қариндошлар ўртасида тузилган никоҳларнинг кўп қисми бузилмоқда. Сабаби, фарзандларнинг носоғлом туғилишидир.

Иккинчиси, ёш йигит-қизлар ўртасидаги никоҳ. Чунки, вояга етмаганлар ўртасидаги битим ногирон болаларнинг дунёга келишига сабаб бўлмоқда. Соғлом оналар ва соғлом болалар давлат пойдеворини қурадиган бир гишт мисолидир.

Ўзбекистон ёшлари, ҳар бир ишни қилишдан олдин орқанингиз ватанингиз борлигини унутманг. Давлатимиз келажагини биз ва сиз орқали қура олади. Бунинг учун ҳаммамиз ҳозирданок келажақни қуриш режасини тuzмоғимиз лозим.

Биз қандай қилиб яхшироқ келажақни қуришимиз мумкин, деган савол туғилади. Яхшироқ келажақни қуриш учун эса катта эътиборни болаларга қаратиш лозим. Болалар онгига келажақ

ҳақидаги фикрлар ёшлигидан сингдирилиши керак. Бунинг учун шундай ўйинчоқлар ясаш керакки бола, ўйинчоқларни ўйнаш давридан ўтганидан кейин, ўйнаган ўйинчоқ турига қараб, келажақини қура олиши мумкин бўлсин. Болада ҳайвонлар шаклидаги ўйинчоқ бўлса, у табиатга меҳрибон бўлиб улғаяди. Агар ҳарбий ўйинчоқлар бўлса бола ватанга меҳрли ва ватан ҳимоячиси бўлиб етишади.

Insho

Болаларни кўпроқ спортга жалб этиш лозим. Спорт ва озодлик соғлом бўлишнинг гаровидир. Зеро, Президентимиз айтганидек, "Ҳеч қандай нарса мамлакатни спортдек машҳур қила олмайди".

Президентимиз ҳар соҳада ўзларининг фикрларини билдириб, яхшироқ келажақни қуриш учун кўпроқ иқтисодга йўл очиб бермоқдалар. Демак, келажақни яхшироқ қуриш учун бозор муносабатларини янада кучайтирмоқ лозим. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти эканлигини ўқитиб ўтиш зарурлиги, булардан ташқари, тадбиркорларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, республикамизнинг жаҳон бозорига ўз ўрнини эгаллаб бориши ва бу борада давлатнинг роли ҳақида кўпроқ иш олиб бориш керак.

Маълумки, юртимиз табиий ресурсларга жуда бойдир. Ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тежаб ишлатиш керак. Республикаимиз аҳолиси хонадонларида сув, газ, электр токи учун ҳисоблагичлар ўрнатилган. Ҳисоблагичлар табиий манбаларни тежашга жуда катта ёрдам беради. Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланади — бу ерда машҳур Менделеев даврий истемасининг деярли барча элементлари топилган.

Ҳаммамизнинг уйимиз томида антенналар мавжуд. Бир вақтлар антенналар бизнинг қишлоқда битта бўлган. Ҳозирда шу антенналар ёнида бир қурилма яшаш керакки, у техника, қуёш энергиясини механик энергияга, электр энергиясига айлантирадиган бўлсин. Шунда биз табиий қазилма бойликлардан оқилона фойдаланган бўламиз.

Юртимизда бундан-да кўпроқ гуллар, дарахтлар экиш лозим. Ҳар бир кўча атрофида мевали дарахтлар, тераклар экиш ва уларни парвариш қилиш керак.

Газни тежаш учун эса, ер қатламнинг қалинлашиб бориши натижасида, ер остида пайдо бўлган иссиқликни қувур билан олиб фойдаланиш лозим. Агар биз ана шу вазифаларни йўлга қўйсак, Ўзбекистон келажаги янада гуллаб-яшнайдди. Ўзбекистон ёшлари! Унутманг, Фафур Фулом айтганидек: "Билиб қўйки, сени ватан кутади".

Ойдин УЛУФОВА,
Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Файзулла Хўжаев номидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 9-«А» синф ўқувчиси,
"Биз қандай қилиб яхшироқ келажақни қуришимиз мумкинлиги ҳақида Сенга ёзаман" иншо танловининг 1-ўрин соҳибаси

МУКОФОТ —
ЭЪТИБОРЎҚИТУВЧИЛАРГА
РАҒБАТ

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида турли соҳанинг фидойилари сингари, жонкуяр устозларимиз ҳам ҳукумат даражасидаги орден ва нишонлар билан тақдирландилар. Уларга юксак мукофотларнинг берилиши бежиз эмас, албатта. Олий ўқув даргоҳларида бўлажак мутахассисларни тарбиялаётган шундай устозларимиз билан суҳбатлашишни лозим топдик.

Шермат Ҳайитбоев, "Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими", М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти.

— "Юртимизда истиқлолнинг ҳаётбахш шабодаси эса бошланганига ҳам 12 йил тўлди. 12 йил кўҳна тарих, вақт ва макон қаршисида қисқа фурсат бўлиши мумкин. Аммо ана шу қисқа "фурсат" бизнинг мамлакатимиз ва халқимиз учун асрларга татиқлик йиллар бўлди, дейишга тўла асосимиз бор", — дея ёзган эдилар "Ўзбекистон Қаҳрамони", шоир Абдулла Орипов. Мен ҳам бу сўзларга қўшилган ҳолда ўқитувчиларнинг касблари шарафли ва машаққатли эканлигини эътироф этиб ўтмоқчиман. Уларга ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ишларида кучкуват тилайман.

Шу ўринда талаба Ҳафиза Раҳмонованинг устозлари ҳақидаги тўртлигини келтирмоқчиман:

*Бугун сизни мадҳингиз битиб,
Қанча ёзмай, шунча бўлар оз.
Илло, дилда ҳамон бир*

тилак —

*Минг ташаккур сизларга устоз!
Т.МАВЛОНОВ, Тошкент
тўқимачилик ва енгил саноат
институти кафедра мудири,
«Шухрат» медали совриндори.*

— "Устоз отадек улуг", деган ибора бежизга айтилмаган. Устоз ўқувчилар, талабалар назарида энг билимли, баркамол сиймо саналади. Ҳукуматимиз ҳам устозларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Улар ана шу нуфуз ва эътиборга лойиқ бўла олиш ҳиссини туя билсалар кифоя.

Faxr

Президентимиз айтганларидек, жамиятимиз ривожини етук мутахассисларнинг кўпайиши билан боғлиқ. Баркамол кадрларни етиштириш эса ўқитувчиларнинг энг олий вазифасидир. Талабалар онгига билим ва тарбия уйғунлиқда сингдирилса, албатта, ўз самарасини беради. Йилдан-йилга соҳалараро рақобат ошиб бормоқда. Биз ўқитувчилар рақобатбардош кадрлар тарбиялашимиз лозим. Мен меҳнаткаш, тажрибали, шогирдлари қалбига йўл топа оладиган ҳамкасбларимга давлатимизнинг нуфузли унвонлари берилаверилишини ёқлаб қоламан. Шулардан бири ўзим бўлсам, "Шухрат" медали менинг ўз касбимга рағбатимни янада оширди.

Азиз НОРҚУЛОВ
суҳбатлашди

ҲАЛҚАРО АНЖУМАНДА... МАҲАЛЛА

Тошкент давлат юридик институтида «Анъанавий ҳуқуқ тизими ва маҳалла» мавзусига бағишланган халқаро анжуман икки кун мобайнида давом этди. Анжуман институт билан Япониянинг Нагайя университети ўртасидаги ҳамкорликнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бу жараён маҳалла соҳасидаги анъанавий ҳуқуқ ва ўз-ўзини бошқариш тадқиқотларининг дастури — халқаро, давлатлараро тағлим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари ва жамоат бирлашмалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш борасида қўйилган навбатдаги қадамлардан биридир.

Асосий мақсад — маҳаллий

органини ислоҳ қилиш, ривожланган мамлакатларнинг маҳаллий органлар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш борасидаги амалиётини ўрганиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг илмий, ҳуқуқий асосларини яратиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини ҳуқуқий ислоҳ қилиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат эди. Анжуман ишида ТДЮИ, Нагайя университети етакчи олимлари, Япония элчихонаси вакиллари ва «Жайка» жамғармаси ходимлари иштирок этдилар. Анжуман давомида хусусий ва оммавий ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш, қўллаш, ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил

этиш ва уларнинг фаолиятига анъанавий ҳуқуқнинг таъсири каби масалалар, шунингдек, ушбу масалаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича ҳамкорликлар муҳокама қилинди.

Нагайя университети профессори Сугиура Казутака «Анъанавий ҳуқуқий тизимларни ўрганишнинг ҳамкорлик жиҳатдан аҳамияти» тўғрисида гапирар экан, ўзбек маҳаллари ҳақидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди.

Иштирокчилар япониялик мутахассислар билан қилинаётган умумий ҳамкорликлар иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ислохотларга ижобий таъсир кўрсатишига ишонч билдиришди.

А. НОРҚУЛОВ

ЖУРНАЛНИНГ БИРИНЧИ СОНИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида «Тағлим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар» журналининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу журнал айнан шу университет нашри бўлиб, барча талабалар, магистрлар, аспирантлар, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар учун назарий дастур вази фасини ўтайди.

Дастлаб йиғилганларга университет ректори Қаҳрамон Аллаев журналинг бош гоёси, мақсад-вазифалари, ижтимоий жараёнлари ва келажакда қандай фаолият юритиши ҳақида гапириб ўтди.

— Биз халқаро руҳсатномани қўлга киритганимиздан сўнг, журналимизни рус ва инглиз тилларида ҳам чоп этамиз, — дея таъкидлади университет ректори.

Журналнинг бош муҳаррири Фазлиддин Шарипов ҳам нашр истиқболи хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Журнал «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — ҳаётга», «Маънавият ва маърифат», «Тафаккур чашмаси», «Ҳуқуқ ва бурч», «Мозий ва мерос», «Иқтисодиёт ва тадбиркорлик», «Тил ва дил», «Мураббий ва талаба», «Танқид ва тақриз», «Хикматлар бўстонидан», «Реклама ва эълонлар» каби рукнлар билан бойитилган. Журнал мутасаддиларининг таъкидлашича у нафақат, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги фанларга, балки ахборот технологияси, математика, физикага оид илмий мақолаларни ҳам эълон қилиб боради.

Дилмурод СОДИҚОВ,
ЎЗМУ талабаси

"KASOMO"NING
ҲИММАТИ

Яқинда ТошПТИнинг Нукус филиали ўқитувчи ва талабалари халқаро кутубхона ва компьютер синфидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишганди. Бу имкониятни яратишда Жанубий Кореядаги "Kasomo" ташкилотининг Нукус филиали жамоаси ҳиммат кўрсатишди. Кутубхонада 2500 донга инглиз тилида чоп этилган янги китоблар бўлиб, улар фойдаланувчиларнинг тиббиёт соҳасига доир билимларини янада бойитиши шубҳасиз.

— Биз Осие тараққиёт ва ривожланиш институти кўмагига таяниб иш юрита-

Xabar

миз, — дейди филиал директори Ким Кёнг Ёнг, — фаолиятимиз бошида, 6 йил бурун Қорақалпоқ давлат университетига компьютер хонаси очгандик. Замонавий дунёқараш ва тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш учун биз ҳам қамарбастамиз. Маълумки, мураккаб экологик шароитда яшаётган халқнинг моддий фаровонлигини кўтариш ва маънавий салоҳиятини ошириш учун юксак малакали кадрлар жуда ҳам зарур. Тағлим соҳасидаги ислохотлар самараси ҳам шундай хулосага ундайди.

Жаноб Кимнинг айтишича, институтининг Нукус филиалида инглиз тили тўғрисида очилган режалаштирилмоқда.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси

Пойтахтимиздаги аксарият олий ўқув даргоҳлари ўз академик лицейларига эга. IX синф маълумотидаги ёшлар учун йўналишни танлаш эса ихтиёрий. Гап шундаки, бу академик лицейларнинг тағлим йўналишлари ўша институт ва университетларники билан уйғунлаштирилган. Лицей тағлимни олган ёшлар эса кўп ўтмай, талабаликка қабул қилинишп-ти. Яхшиси, уларнинг ўзидан тинглаган маъқул.

Нодира Қосимова, Тошкент давлат авиация институти касбий тағлим факультети 1-курс талабаси:

— Бундан уч йил муқаддам, аниқроғи 2000 йилда авиация институти қошидаги академик лицейга ўқишга кирганимда, кўпчилик қизлар учун тех-

басиман. Энди биз талабаларга кўплаб профессор-ўқитувчилар дарс беришмоқда

Илхом ҲОЛОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ факультетининг 1-босқич талабаси:

ХАЙР, ЛИЦЕЙЧИМ!
САЛОМ, ТАЛАБАЛИК!

ника соҳаси тўғри келмайди, деган фикрни айтишганди. Аммо менинг қалбимда бошқача истак жўш уради: самолётсозлик Ўзбекистонда истиқболли соҳа. Тармоққа кадр тайёрлашда уларнинг жинси эмас, балки билими ва салоҳияти муҳимроқ.

Шундай қилиб, уч ўқув йилини ана шу даргоҳда билим олиш билан ўтказдим. Кўз очиб юмгунча уч йил ҳам орда қолди. Албатта, ўтган уч йиллик даврнинг хотиралари бор, аввало, бу ўқитувчиларимиз меҳнати билан боғлиқ. Алгебра-геометриядан дарс берган Малика Валиева, инглиз тили муаллимаси Лола Қосимова, физик Асатилла Эшқулов, физикаликдан сабоқ берган Гулнора Соатоваларнинг дарслари, аниқса, биз ўқувчиларни ўзига оҳанрабодек тортарди.

Лицей тағлими талабаликни қўлга киритишимиз учун бир пойдевор бўлди. Ҳозир авиация институти 1-курс тала-

аямаган, тағлим-тарбия берган, билмаганимизни ўргатган, доимо меҳнатсевар, изланувчан, ватанпарвар бўлишга даъват қилган, таъбир жоиз бўлса, ўқувчилари учун ҳамма нарсага тайёр турувчи устозларимиз йўнаган бўлса, ажаб эмас.

ЖИДУ қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейида ўқувчиларга тағлим бериб, уларнинг меҳрини қозониб келаётган барча жонкуяр, талабчан устозларимиз, жумладан, М.Боқиев, С.Расулов, Ф.Саидовларни аниқса, Муяссар Тўхтабоевани, Гулнора Эшонқуловани, Комил Жалоловни ҳамда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун, китобхонлик даражасини юксалтиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган Мунира опага қалбимда энг самимий тилақларимни йўллаймам.

ТАЛАБАЛИККА
БАҒИШЛОВ


ЎЗДЖТУда 1-курс талабалари учун "Талабаликка бағишлов" маросими бўлиб ўтди. Байрамни университет ректори Ф.Шоумаров очиб берди ва I курс талабаларини чин дилдан қутлади. Сўнгра университетда ташкил этилган "Қамолот ёшлари" гуруҳи томонидан кўшиқлар, рақслар ижро этилди. Ўтган йили "Қамолот юлдузлари" номига мушарраф бўлган талабалар эса универ-

Tadbir

ситет совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, "Мен Ватаним учун нима қилдим?" мавзусида энг яхши ҳикоя, шеър, мақола, иншо соҳиблари ҳам совгадан бенасиб қолишмади. Бу танловда С.Мансурова, М.Юнусов, Б.Фазлидиновлар биринчи ўринни эгаллашган эди.

Ажойиб хоразмча рақс ва испанча кўшиқдан сўнг даврага ЎЗДЖТУга энг юқори балл билан кирган талабалар тақлиф этилди. Университет ректори Ф.Шоумаров талабаларга Талабалик гувоҳномасини тақдим этди.

Дилноза НОМОЗОВА



Италия республикаси дейилганда, кўпчиликнинг кўз олдида эдик шаклидаги давлат гавдаланади. Яхшиши шу давлат ҳақида бир мулоҳаза юритсак. Италия Республикаси Европанинг жанубида, Ўрта денгиз ҳавзасида жойлашган давлатдир. У Апенин ярим ороли, Сицилия, Сардиния ва бошқа кичик ороларни ўз ичига олган. Унинг майдони 301,2 минг километр квадрат, аҳолиси эса 57,679 миллион киши. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоятга (region) бўлинади. Италия бошқа давлатлардан жуда фарқ қилади. Биргина Ватикан давлатининг Италия ички қисмида жойлашгани қизиқдир. Ундан ташқари иккала давлатнинг пойтахти ҳам Рим шаҳридир. Италия давлати тузumi ҳақида гапирадиган бўлсак, амалдаги конституцияси 1947 йил 22 декабрда қабул қилинган ва 1948 йил 1 январдан кучга кирган. Давлат бошлиғи Президент (1999 йил майдан К.А.Чампи). Президент парламент иккала палатасининг қўшма мажлисида вилоятлар вакиллари иштирокида 7 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи орган депутатлар палатаси ва Сенатдан иборат парламент. Ижрочи ҳокимиятни Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Президент Вазирлар Кенгаши раиси ва унинг таклифига биноан вазирларни тайинлайди. Асосий сиёсий партияларидан бири "Олга Италия" партияси 1993 йил сиёсий уюшма сифатида тузилган. 1996 йил партияга айлантирилган. Италия либерал партиясига 1848 йилда асос солинган, Коммунистик қайта қуриш партияси 1991 йил ташкил этилган. Италия республикачилар партияси 1832 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Италия социал демократ партияси Социалистик партия парчаланиш натижасида 1947 йилда тузилган. Италия меҳнаткашлари касабаси уюшмалари конфедерацияси 1948 тузилган. У халқаро эркин касабаси уюшмалари конфедерацияси аъзосидир.

Шу ерда Италия ва Ўзбеки-

стон муносабатларига тўхталиб ўтсак. Италия Ўзбекистон мустақиллигини тан олгач, иккала мамлакат ўртасида савдо иқтисодий алоқалар ўрнатилди. "Ўзбекистон Республикаси билан Евро-

ропа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида" 1996 йил Флоренцияда имзоланган битим ўзаро муноса-

бийим-кечак сотиб олинади.

Италиянинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Масалан: "Қорақалпоқ қурилиш материаллари" акциядорлик бирлашмаси "Педрини" фирмасидан мрамар тахтачалар ишлаб чиқарадиган линиялар ва "Равелли" фирмасидан табиий тошдан буюмлар ишлаб чиқарадиган технология линиялари сотиб олди. "Текинг" компанияси билан "Ўз ДЭУАвто" ўртасида енгил автомобиллар учун ясси ойна ишлаб чиқариш заводи қайта қуриш ҳақида битим тузилган.

"Ўзбекнефтгаз" миллий хол-

ИТАЛИЯ

батларнинг ҳуқуқий негизини яратди. 1996 йил июнда ва 2000 йил ноябрда Президентимиз И.Каримов Италияга ташриф буюрди. 1997 йил майда Италия Президенти Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бу ташрифлар якуни натижасида иқтисодий-маданий ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймастик транспорт соҳасидаги ҳамкорлик, сайёҳликни ривожлантириш, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида муҳим битимлар имзоланди. Мазкур тадбирларнинг самараси икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айрибошлаш 1992 йил 19 миллион 461 минг 800 долларни кўрсатган бўлса, 2000 йилда 112,8 миллион долларга кўтарилган. Италия Ўзбекистон билан товар айланмаси ҳажми жиҳатдан 10-ўринда, Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Германия ва Буюк Британиядан сўнг учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон Италияга пахта толаси, рангли металллар ва улардан ясалган буюмлар, ипак, ип газлама, калава ип ва бошқа маҳсулотлар сотади. Италиядан асбоб-ускуна, мебель, пластмасса, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи,



нинг компанияси нефть конларини қидириб топиш ва ишла-тиш, турли технология асбоб-ускуналарини нефть ва газ корхоналарига келтириб ўрнатиш борасида ҳам италян фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўзбекистон Республикасида Италия капитали иштирокидаги 49 та корхона ва Италия капитали 100 фоиз бўлган 5 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналар алькоголсиз ичимликлар, вино, упа-элик, трикотаж маҳсулотлари, музқаймоқ ишлаб чиқариш, пахта чиқитларини қайта ишлаш, савдо-сотик ишларида воситачилик қилмоқда.

Энди Италиянинг ташқи алоқаларига қайтадиган бўлсак, бугунги кунда Италия четта машина ускуналари, транспорт воситалари, ёзув ва ҳисоб машиналари, кимё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқаради. Савдо-сотикда асосий ҳамкорлари Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари,

АҚШ ва Россиядир. Давлатнинг пул бирлиги лира. Аҳолисининг 98 фоизи италянлардир, қолган қисми реторманлар, тиронлар, французлар, словенлар, хорватлар ва бошқалардир. Расмий тили италян. Асосий дини христиан динидир.


Италия давлатининг маорифи, маданий-маърифий, илмий муассасалари 19-асрнинг иккинчи ярмида шакллана бошлаган. 1859 йилда 6-9 ёшдаги болаларнинг мажбурий таъли-

ситет ва олий мактаблар). Итали-яда 27 университет, 50 дан ортиқ давлат ва ҳусусий олий мактаблари ва ҳусусий универ-ситетлар бор. Иирик универ-ситетлари: Балонья универси-тети, Рим университети, Не-аполь университети, Милан, Бари, Генуя ва бошқалар. Ита-лияда 150 та йирик кутубхона бор. Жумладан, Римда 31 та, Миланда 19 та, Неополда 19 та, Флоренцияда 9 та, Туринда 6 та кутубхона бор.

Италия оммавий ахборот во-ситалари ҳақида гапирадиган бўлсак, Италияда бир қанча га-зета ва журналлар нашр эти-лади. Энг йириклари: "Месса-жер" ("Хабарчи", кундалик га-зета, 1878 йилдан чиқа бошла-ган), "Коррьере делла сера" ("Кечки хабарнома", кундалик газета, 1876 йилдан), "Стампа" ("Матбуот", кундалик газета, 1868 йилдан), "Дискуссионне" ("Баҳс", ҳафталик журнал, 1953 йилдан), "Мондо операйо" ("Ишчи дунёси", ҳафтада икки марта чиқадиган журнал, 1948 йилдан) кабилардир.

Италияда радиоэшиттириш ва телекўрсатув хизмати РАИ-ТВ 1924 йилда ташкил этилган. Аженция Национале Стампа Ассоцата (АНСА) ахборот

ми тўғрисида қонун (Казите қонуни) қабул қилинган эди. Италияда 6-14 ёшдаги болалар учун мажбурий 8 йиллик таъ-лим жорий этилган. Давлат мак-таблари билан бирга асосан ди-ний ташкилотлар таъминотида-ги ҳусусий мактаблар ҳам мав-жуд. Халқ таълими тизимида қуйидагилар киради: 3-5 ёшли болалар учун мажбурий бўлмаган мак-табгача тарбия муассасалари, мажбурий мак-таблар (6-11 ёшли болалар учун 5 йиллик бошланғич ва 3 йиллик қуйи ўрта мактаб), мажбурий мак-таб негизида ўрта умумий таълим ва ҳунар таълими бе-радиган тўлиқ ўрта умумий таъ-лим мактаб лицейлари (5 йил таълим берадиган мазкур ўқув юртини битирганлар универси-тетга кириш ҳуқуқини олади), ўрта педагогик ўқув юртлари (бошланғич мактаб муаллимла-рини тайёрловчи 4 йиллик ўқитувчилар, мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиларини тайёрловчи уч йиллик педагог мактаблари), ҳунар ўқув юрт-лари (малакали ишчиларни тай-ёрловчи уч йиллик ҳунар институтлари, ўрта техник маъ-лумотли ходимларни тайёрлов-чи техника институтлари), ўрта бадий ва мусиқа ўқув юртла-ри, олий ўқув юртлари (универ-




агентлиги 1945 йилдан фаолият бошлаган. Аженция Журнали-стика Италия (АЖИ) ахборот агентлиги эса 1950 йилдан бери ишлайди.

Италия юксак ривожланган индустриал аграр мамлакатдир. Дунёда энг ривожланган 10 та давлатнинг бири. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 31,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги улуши 2,9 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳаси 65,5 фоизга тўғри келади. Италияда 12 миллиондан зиёд аҳоли хизмат кўрсатиш соҳасида, 6,5 миллион киши саноатда, 1,5 миллион киши қишлоқ хўжалигида банд.

Шерзод АХМАТОВ
тайёрлади.

АҚШ САДДАМ ҚУРОЛЛАРИНИ ҲАМОН КИДИРМОҚДА


Америкалик экспертлар гуруҳи бошлиғи Ироқдаги оммавий қирғин қуролининг қидируви бўйича охириги уч ой ҳисоботини конгрессга тақдим этди. Дэвид Кейнинг маълумоти-га қараганда, ҳалигача экспертлар қуролини захираларини топганича йўқ. Ана шу маълумотлар жамланган нутқ матни интернет сайтларига ҳам киритилди. Биологик қурол-яроғларнинг яширин лабораторияларда тайёрланганини Ироқ давлат хавфсизлиги ходимлари инкор этиб, БМТ инспекторларига билдиришган. Аммо



шу пайтгача Ироқ давлат хавфсизлик хизмати чет элларда биолог-аспирантларни тайёрлашни молиявий қўллаб-қувватлагани рост. Шунингдек, бир ироқ олими Сибирь куйдиргиси вирусларини кўпайтираётганлиги кўрсатилган. Бошқа бир олимнинг уйдан эса ботулин вирусларини ривожлантирувчи материаллар топилган. Кейнинг гувоҳлигига кўра, бу хавфли қирувчилар ва уларни яратувчиларни қидириш учун алоҳида экспертлар гуруҳи ишляпти. Бирок, ҳозирча уларда ироқликларнинг кимёвий қурол-яроғлар ишлаб чиқаргани борасида аниқ далиллар йўқ.

ПХЕНЬЯННИНГ ЯДРОВИЙ БОМБАЛАРИ ТАЙЁР

Корея Халқ Демократик Республи-касининг ташқи ишлар вазири ўрин-босари Чхве Су Хона Пхеньян сўзла-рига қараганда, Енбёндаги атом элек-троданстанциясидаги 8 мингга яқин уран стерженларини қайта ишланиши туга-тилди. Олинган натижаларга кўра, ол-



холамоқда. Пхеньянда уч, тўрт, ҳатто олтита ядровий зарядлар бўлиши мум-кин. Агарда шундай бўлса, Шимолий Корея билан ҳам музокараларга кири-шилиши кутилмоқда. Бирок, расмий Вашингтон Пхеньяннинг ушбу режала-рига розилик берганича йўқ.

АДАБИЁТ БЎЙИЧА НОБЕЛЬ МУКОФОТИ

Шарқий африкалик Жозеф Макс Веллу Кутзига насиб қилди. Швед ака-демиясининг 18 нафар доимий аъзо-лари голиб номини аниқлашди. Ушбу академиянинг доимий котиби Хорас Энгдаль эса голиб қандай аниқланга-

тини сир тутмоқ-да. Хуллас, Кут-зес 10 м л н . ш в е д кронига (1 , 3 м л н . А Қ Ш долларлари) эга бўлади.

Швед академиясининг баҳолашига кўра эса, Кутзининг романи бой диа-логлари, чуқур ўйланган композиция-си ва усталик билан қилинган таҳлил-лари билан аҳамиятли.


Энди совриндор ҳақида икки оғиз. Кутзи 1940 йилда дунёга келган. У Кейптауна университетининг адабиёт бўйича профессори. Адибнинг «Петер-бургда куз» ва «Ноҳақлик» романи Россияда нашр этилган. Шундай қилиб, голибни тақдирлаш маросими 10 декабрь куни Швеция пойтахтида бўлиб ўтади.



Fanimiz fidoyilari

КАФЕДРА МУДИРИ СУВ МУАММОСИ БИЛАН МАШҒУЛ

деқ ижобий воқеаларга бой. Меҳнат орқали инсон ўз ҳаётида кўпгина савоб ишлар қилиб улгурса бўлиши ҳақидаги у кишининг сабоқлари кўп. Р.Каримовнинг самарали меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган.



1994 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор» унвонига эга бўлди.

Ҳозирда у республика сув хўжалигининг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқот ва илмий-услубий йўналишларида фаол қатнашаётди. «Очиқ ўзани каналлар гидравликаси» мавзусида докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Қолаверса, 70 дан ортиқ ўқув қўлланмалар муаллифи ҳамдир.

Рамзиддин Каримов раҳбарлигида олти нафар фан номзодини ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Р.Каримов «Гидравлика» кафедраси қошида Америка халқаро ривожланиш агентлиги (NRMP USAID) ҳомийлигида ҳамда Марказий Осиёда табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш лойиҳаси бўйича «Гидроинформатика сув ресурслари» ўқув маркази ташкил этилишида ташаббускор бўлди. Замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминланган ушбу марказда Россиянинг Москва давлат табиатни муҳофаза қилиш университети, АҚШнинг ЮСАИД, Вашингтон, Колорадо ва Индиана штатлари университетлари ҳамда Марказий Осиё олий ўқув юрталари ва илмий ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, семинар-тренинглар, учрашувлар ўтказилмоқда. Бу ишларга эса Р.Каримов бош-қош бўлаётди.

Умуман, Рамзиддин ака билан мулоқотда бўлган ҳар бир киши унинг ҳолислиги ва камтарлиги, дўстларга ҳамкору ҳамдардлиги, шогирдларга бағрикенглиги ва гамхўрлиги каби фазилатларини ҳам билади.

А.НОРКУЛОВ

Ёшлиқдаги қизиқиш уни англай олган кишилар учун юксак муваффақиятлар келтиради. Рамзиддин Каримов ҳам ўрта мактабни тугатгач, қизиқишлари сабаб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига ҳужжат топшириб, талаба бўлгач, уни имтиёзли диплом билан тугатишга муваффақ бўлди. 1964—65 йилларда Москва гидромелиорация институтини аспирантурасида таҳсил олиб, техника фанлари номзодини унвонига сазовор бўлди. Ўзи тамомлаган институтда фаолиятини катта ўқитувчи сифатида бошлаган бўлса, сўнгра кафедра доценти, факультет декани ва 1984 йилдан буён кафедра муdiri лавозимида ишлаб келмоқда.

Техника фанлари номзодини, доцент Рамзиддин Каримовнинг республика сув хўжалиги тизими ривожини, сув ресурсларини бошқаришдаги илмий изланишлари ва ёш малакали мутахассисларни тайёрлашдаги ҳиссаси диққатга сазовор. Бу инсоннинг умри ҳар бир ўқувчини ҳайратга солгу-

Баҳодир Розиков Зомин туманидаги Урол қишлоғида ўқитувчи оиласида дунёга келди. Отаси — Мамарозик ва онаси Нусрат — қишлоқдан чиққан биринчи ўқитувчилардан эди. Шу байдан оилавий муҳит ва ота-она ибрати ёш Баҳодирнинг қалбида шу касбга меҳр-муҳаббат уйғотди. Ана шу меҳр ва ҳавас уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига етаклади. 1964 йилда институтнинг тарих-филология факультети-



мактаби яратди. Сўнги йилда мактаб ўзини ўзи кадрлар билан таъминлаб келмоқда. Ўқитувчилик касбига меҳр қўйган ёшлар қаерда, қайси ўқув юртини битирмасин, ишлаш учун албатта ўз қадрдон мактабига қайтиб келади.

Б.Розиков кўп қиррали истеъдод соҳиби эди. У нафақат Фидоий педагог, ташкилотчи раҳбар, шу билан бирга ижодкор инсон эди. «Болалар халқ дастаси» ижро этидиган кўшиқларнинг кўпчилиги унинг қаламига

СИЗ МУДОМ ЯШАЙСИЗ, МЕХРИБОН ЧЕМОЗ

ни имтиёзли диплом билан тугаллади. Шу йили йўлланма билан Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 7-мактаб (ҳозирги Мирзаобод туманидаги 21-мактаб)га ўқитувчи бўлиб ишга келди. Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, Баҳодир аканинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти шу мактаб билан чамбарчас боғланиб қолди. Дастлаб ушбу таълим масканининг илмий бўлим муdiri, 1969 йилдан умрининг охиригача директор бўлиб ишлади.

Баҳодир ака мактабда таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиш учун тинмай изланди, янгилик яратиш учун бор маҳоратини ишга солди. Унинг ғайрати ва ташаббусини ҳамкасблари тўла қўллаб-қувватлади. Тинимсиз меҳнат, изланиш ўз самарасини берди. Жамоа 1995 йилда «Ил мактаби» Республика кўриктанловида фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Орадан бир йил ўтиб, мактаб ЮНЕСКОнинг жаҳон мактаблари ҳам-

жамиятига аъзо бўлди. 1999 йилда Республикамиздан ЮНЕСКО таркибига кирган 23 та мактаб ичида энг юқори кўрсаткич ва таълим-тарбиядаги новаторлиги учун ЮНЕСКОнинг 43 минг АҚШ доллари грантига сазовор бўлди. Айни пайтда мактаб ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги халқаро жамоат «Таълим маркази» мақомига эга. Баҳодир ака унга аъзо мактаблар директорлари кенгашининг раиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди. Бундан ташқари, унинг ташаббуси билан ташкил топган «Дилрабо» бадий ҳаваскорлик дастаси нафақат юртимизда, хорижда ҳам бир неча бор ижодий сафарда бўлиб, қатор фестивалларнинг ғолиби деб топилди. 1987 йилда унга «Болалар халқ дастаси» унвони берилди.

Шуниси эътиборга сазоворки, мазкур таълим ўчоғи маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш борасида ўрганса арзийдиган тажриба

мансуб.

Ўқитувчининг халқ таълимини юксалтиришдаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тикандирланган.

Xotira — muqaddas

«Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвони ва «Халқ таълими аълоҳиси» кўкрак нишонини соҳиби, «Мустақиллик» кўкрак нишонига ҳам сазовор бўлди.

Баҳодир ака ҳаётининг яна бир ибратли томони шундаки, у ўзига хос ўқитувчилар сулоласини давом эттирди. Умр йўлдоши Раъно опа ўқитувчи, 5 нафар фарзанди Нодира, Мунаввар, Ҳамза, Ойдиной, Ойбек ҳам ота касбини давом эттирмоқдалар. Уларнинг барчаси олий тоифали малакали ўқитувчи. Ҳамза эса отаси ишини давом эттириб, 21-мактабга раҳбарлик қилмоқда.

Абдусаттор СОДИКОВ

Касбнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Лекин муаллимлик касбининг масъулияти ўзгача... Айниқса, болаларнинг кўнглига зиё, умрига мазмун бахш этидиган биринчи муаллим таълим-тарбияси инсон камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб остонасини илк бора ҳатлаган болақайнинг ўю кечинмалари билан ошно туғиниш, уни ўз дилбандидек кўриб, маърифат оламига бошлаш учун инсонга юксак ирода, улкан

Yaxshilar oramizda

чирган барча изтиробларини унутати-қўяди, янада янги ва эзгу ишларга чоғланади.

Гулсанам Тешабоева шогирдлари ота-боболардан мерос миллий қадриятларнинг ҳақиқий билимдони, давомчиси бўлишини хоҳлайди. Буни у ёшларга сабоқ берадиган синфхона жиҳозларидан ҳам англаш мумкин. Буюк аждодларимиз сиймоси акс этган су-

лар кишиларни янада ҳушёр, табиат олдида янада масъулиятли бўлишга чорламоқда. Буни ҳис этган олий тоифали ўқитувчи Г.Тешабоева ўқувчилар шу урига бу борада етарли маълумотни сингдириш, ёшларни атроф-муҳитни муҳофазалаш борасидаги вазифалар билан яқиндан таништиришга интилади.

У дарс олиб бораётган



Кўнглидаги Яшиллик Сурури

салоҳият керак бўлади.

Ҳамза туманидаги 226-мактабда 22 йилдан буён бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Гулсанам Тешабоева ана шундай салоҳиятга эга муаллимлардан биридир.

— Ҳозир мен сабоқ бераётган 1-синфда қирқ нафардан кўпроқ ўқувчи бор. Уларнинг ҳар бири ўзгача олам, бири-бирини такрорламайдиган турфа дунё. — дейди Г.Тешабоева. — Болалар билан илк бора мулоқотга киришиш, уларни илм-маърифат сари етаклаш жараёни осон кечмайди. Мурғак бола қалбига йўл топа олган, таълим олишга иштиёқини уйғота олган устоз атрофида болалар доимо гиргиттон бўлади. Шогирдларининг бундай саъй-ҳаракатларини кўрган муаллим эса бу жараёнда ке-

ратлар, уларнинг пурмаъно сўзлари туширилган стендлар синфхонанинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

— Кейинги йилларда ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари бўйича баҳолаш тизими ҳам ўзгарди, — дея изоҳ беради у. — Янги баҳолаш тизимида ҳар бир ўқувчи ўз билимига яраша баҳоланади. Ёшларнинг ҳар бирига ўз қобилиятига яраша билим беришда бу тизимнинг афзалликлари кўп.

Табиат — инсоният бешиги. Шу боис у азалдан халқимиз томонидан эъзозланади, ҳар бир заррасию, гиёҳи асраб-авайланади. Инсон қалбида бундай туйғун уйғотишда ёшлиқдан берилган таълим ва тарбия муҳим ўрин тутати. Бугунги кунда сайёрамизда рўй бераётган экологик муаммо-

синфхонаси ҳам бамисли ям-яшил дарахтзорга ўхшайди.

— Яшил манзаралар аввало болалар нигоҳини тегран қилади, — дейди муаллима бу хусусида мулоҳазаларимизга жавобан. — Шунингдек, ўқувчиларни толиқшдан асрайди.

Муаллима машғулотлар давомида она табиатни асраб-авайлаш борасидаги вазифалар хусусида ўқувчилари билан кўп фикрлашишни ҳам таъкидлади. Амалий машғулотлар кўпроқ мактаб атрофидаги манзаралар оғушида олиб борилади экан. Оқаётган сув, униб чиққан кўкат, жонли табиатнинг барча манзараларини болалар кўзи ўнгида жонлантириш самараси ижобий натижа бериши, табиий.

Баҳор ХИДИРОВА

МЕХР УРУҒЛАРИНИ ЭККАНДИ

Дунёда болаликдаги хотиралардан кўра покиза, беғубор хотиралар бўлмайди. Мактаб остонасига кўйилган илк қадам, биринчи устозингиз кутиб олган кун, биринчи кўнгирак, синф доскасиндан кўчирилган илк ҳарфлар, билимлар дунёсига қилинган илк саёҳатлар хотиранингизга гўёки «тошга битилган битик»дек муҳрланиб қолади.

Қалбингиздан шундай ажойиб устозлар ўрин оладиларки, уларнинг номларини ҳамиша меҳр ва гурур билан эслайсиз, улар Сизнинг ҳаёт йўлингизда ибрат намунасини ўтайдилар. Устоз онгингизни билимлар билан бойитди. Тасаввурингиз уфқларини кенгайтиради, ўзининг беминнат хизматлари билан мурғак қалбингизга зиё бахш этади.

Мен ана шундай ажойиб инсон — меҳри дарё, зукко, билимдон, ўз фанининг фидойиси бўлган, менда адабиётга, шеърятга ҳавас уйғотган адабиёт ўқитувчим, марҳум Раҳмон Азизов ҳақида гапиршни ният қилдим.

«Умр — оқар дарё», дейди доно халқимиз. Кўз юмиб очгунча, мактабни тугатганимга ҳам 32 йил бўлибди. Биз мактабда ўқиган пайтларда мактабимиз жамоа хўжалигига қарашли эди. Биз ўқувчилар ҳар кунни жамоа хўжалигининг ишларига ёрдамлашар, куз мавсуми келиши билан пахта теришга борардик, бу пайтда устозларимиз доимо бизнинг ёнимизда эдилар. Биз бирон марта устозларимизнинг шарондан нолиганларини эшитган эмасмиз. Ибратли томони шундаки, Раҳмон Азизов мактабда 39 йил ишлаб, бирон марта ҳам касал бўлиб, мактабга келмай қолган пайтлари бўлмаган. У кишининг томоғи оғриб турарди, шунда ҳам томоғини боғлаб олиб, ишга келарар эди. Адабиёт дарслари бўлишини доимо интиқлик билан кутардик. Раҳмон ака шеърларни шундай қироат билан ўқирдики, беихтиёр бутун вужудингиз қулоққа айланарди. Эсимда, бир кунни Фафур Фуломнинг «Сен етим

эмассан» шеърини ўтаётган эдик. Устоз шеърини ўқишга тушди. Синфда сукунат бошланди, гўёки пашша учса, эшитилади. Шеър охирида қолганда синфда пиқ-пиқ йиғи овози эшитилди. Ҳамма «ялт» этиб орқага қаради. Йиғлаётган Нигора эди. Унинг онаси бетоблиги туфайли яқиндагина вафот этганди. Устоз ортиқча шов-шувга ўрин қолдирмай, Нигоранинг олдида борди-да, бошини силаб, «қизим, хафа бўлма, онанг ўлган бўлса, отанг бор-ку ахир, мана, ёнингиз биз бормиз. Ҳамиша сенга ёрдам бериб, хабар олиб тураемиз» деб уни юпатди ва дарсни давом эттирди. Бу нарсаларни эслашдан мақсад — яхшилик ҳеч қачон изсиз йўқолмайди ва қалбларга экилган меҳр уруғлари ҳамиша гуллаб-яшнаверди.

Раҳмон Азизов каби ажойиб устозларимиз ҳаёти бизнинг мустақил ҳаётга йўлланма олишимиз учун пойдевор бўлди. Булар — биринчи муаллимимиз марҳума — Муаззам Ҳошимова, синф раҳбаримиз — ҳозирда кексалик гаштини сураётган Абдунеъмол Махаматов, кимё муаллими — Ҳабиб Валиев, биология муаллими — Манноп Ортиқовлардир.

Ҳамиша эъзозга лойиқ устозим,
Рухингиз олдида қилайин таъзим.
Меҳрингиз дарё эди, қалбингиз уммон,
Сиз берган билимлар мададкор ҳамон.

Мурғак қалбларга зиё бердингиз,
Илм дурларини дилга тердингиз.
Бошимиз узра бўлиб парвона,
«Эриммай билим ол, болам» дердингиз.

Доно ўғитингиз бекор кетмади,
Қадрингиз ким етди ва ё етмади.
Изингиздан бордим мен ҳам,
Ачинмайман, умрим бекор ўтмади.

Гулчеҳра КАРИМОВА,
Юнусобод туманидаги
274-умумий ўрта таълим мактабининг
чет тили фани ўқитувчиси

Кейинги йилларда юртбошимиз томонидан болалар спортга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Чунки болалар — келажикимиз. Эртанги обод, тинч ва фаровон бўлиши учун эса улғайиб келаётган ёш авлод билимли, кучли ва соғлом бўлиши зарур. Шу сабабли ҳам республикамизда болалар спортини ривожлантириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Буни биргина Бешариқ тумани Рапқон қишлоғидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолиятдан ҳам кузатишимиз мумкин. Мазкур мактаб раҳбари Р.Расулов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

ЧЕМПИОНЛАР БЕШИГИ

— Спорт мактабининг тарихи тўғрисида гапириб берсангиз?

— Мактаб очилган йиллари кўпчилик спортга унчалик эътибор бермас эди. Лекин кўчада тўп тепаб юрган, бокс кўлқопи олиб, бир-бири билан куч синашадиганлар ҳам йўқ эмасди. 1991 йили ана шуларни ҳисобга олиб туман ва вилоят касаба уюшмаларининг раҳнамолигида мазкур мактабни очдик. Рапқон жамоа хўжалиги ҳамма шарт-шароитларни яратиб берди. Бу, албатта, осон бўлмади. Касаба уюшмалари ва Рапқон ширкат хўжалиги ҳар доим ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб турганликлари учунгина ҳамон фаолият кўрсатиб, яхши натижаларга эришиб келаямиз. Мактабимизга 9 ёшдан ошган, спортга қизиқувчан болалар қабул қилинади. Илк ташкил этилганда 300 нафар бола 4 йўналиш — бокс, кураш, футбол, шахмат-шашка машғулотлариغا қатнаша бошлаган эди. Ҳозирга келиб, болалар спортга бўлган қизиқиш, эътибор кучли бўлганлиги сабабли, ўқувчиларимиз сони 1000 нафардан ошган. Бу машғулотларни 8 нафар мураббий — бокс бўйича, миллий тоифали хакам Р.Мажидов, И.Исмоилов, З.Усмонов, Х.Аббосов, А.Мамадиев, футбол бўйича Р.Расулов, шахмат-шашка бўйича Н.Камолов, кураш бўйича Ф.Содиқовлар ўтиб, болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини тобора оширмоқдалар. Бугунги кунда ҳудуддаги ёшларнинг 30 фоизини спортга жалб қилганмиз, десак ёлгон бўлмайди.

— Айни кунларда қандай мақсад ва вазифалар устида иш олиб бораёпсизлар?

— Ҳозирдаги асосий вазифамиз спортга қизиқадиган болалар сонини янада кўпайтириш. Шу мақсадда маҳаллалардаги педагоглар билан бирга қишлоқларнинг ўзида спорт тўғрисидаги очишни йўлга қўйишга ҳаракат қиляпмиз. Бу спортга қизиқадиган болаларга анча қулайлик туғдиради, улар узоққа қатнамай, ўз қишлоқларида спорт турлари билан шуғулланади. Машғулотларни мураббийлар олиб боришади. Мухлисларимиз ошиб, ёшлар орасида бекорчилар камади.

— Қилинаётган меҳнатнинг натижалари ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз?

— Мактабимиз ўқувчилари бирин-кетин яхши-яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Улардан бир нафари ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, 10 нафари Ўзбекистон чемпиони бўлди. Айримлари эса турли совринлар соҳиби бўлдилар ва олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилиндилар. Бокс бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони А.Раҳмонов, Б.Аскарқовлар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда Фарғона футбол-интернатда ўқиётган А.Ҳайитов ва Ангрен футбол мактабида таҳсил олаётган С.Йўлдошевлар ҳам мактабимиз ўқувчиларидандир. Бундан ташқари мактабимиздан бир нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 5 нафар спорт устаси, 30 дан зиёд спорт разрядига эга кишилар етишиб чиққан. Яқиндагина бокс бўйича Наманганда бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам ўқувчиларимиз қатнашиб, туманимиз шаънини ҳимоя қилиб, 6 та олтин медал олиб келишди.

— Келгусидаги режалар қандай? Рапқон спорт мактаби чемпионлар бешиги бўлиб қоладими?

— Режаларимиз кўп. Мактабимизда ҳозир 4 хил спорт тури ўргатилаётган бўлса, кейинчалик буни кўпайтирамиз. Ҳомийларимиз билан бирга корт барпо қилиб, теннис тўғрисида ва каратэ тўғрисида очмоқчимиз. Бунда, албатта, ҳомийларимиз кўмагидан фойдаланаямиз. М.Мадаминов номли ва Адиробод ширкат хўжаликлари, "Изаат" хусусий чойхонаси бизни доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ана шундай ҳомийлар ёрдамида келгусидаги режаларимизни амалга оширамиз.

Энди Рапқон бокс мактаби ҳақида гапирадиган бўлсак, бу турга қизиқувчилар кўп. Уларнинг ҳаммасини машғулотларга тортишга ва мактабимизни янги-янги чемпионлар етказиб берадиган даргоҳга айлантирамиз.

Шаҳноза АБДУРАҲМОНОВА,
ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика факультети III курс талабаси

“СПОРТ – 2002”ДА ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Бразилия терма жамоаси жаҳон чемпионатида 5-мартда чемпионликни қўлга киритди, Рональдо эса футбол майдонларида жаҳон тўп-урарига айланди. Япония ва Жанубий Кореяда ўтган жаҳон кубоги Франция, Аргентина ва Португалия учун “сюрприз” бўлди. Туркия ва Жанубий Кореянинг ярим финалдаги учрашувлари эса ажойиб учрашувлар сирасидан ўрин олди. Бу турнир футбол оламида қутилмаган байрамларга айланди. Масалан, миллионлаб жанубий корейлик мухлислар ҳар ўйиндан кейин шаҳар кўчаларида жамоаларига муваффақият тилаб байрамлар қилди.



Москвадаги “Локомотив” жамоаси ўзининг тарихида биринчи марта футбол бўйича Россия чемпионлигини қўлга киритди.

Қишки Солт-Лейкс-сити олимпиадасини ташкиллаштирувчи халқаро олимпиада комитети коррупция билан шуғулланганлиги маълум бўлиб қолди. Бу комитет учун жуда катта йўқотиш бўлди. Улар россиялик ва канадалик спортчиларни допинг моддасини қабул қилган, деб спорт ўйинларидан четлаштирганди. Бу спортчилар Комитетга бойкот эълон қилишгач, текширилганда коррупция борлиги аниқланганди.

Европа чемпионати 2008 йилда Австрия ва Швейцарияда ўтишини УЕФА эълон қилди. Аслида бу чемпионат Россияда ўтиши назарда тутилганди. Лекин мутахассисларнинг айтишича, Россияда халқаро мусобақаларни ўтказиш учун шароитлар йўқлиги сабабли қолдирилди. Лекин, ҳамма шароитлар яратилгудек бўлса, 2012 йилда Европа Кубоги Россияда бўлиши айтилди.



Европа чемпионати 2008 йилда Австрия ва Швейцарияда ўтишини УЕФА эълон қилди. Аслида бу чемпионат Россияда ўтиши назарда тутилганди. Лекин мутахассисларнинг айтишича, Россияда халқаро мусобақаларни ўтказиш учун шароитлар йўқлиги сабабли қолдирилди. Лекин, ҳамма шароитлар яратилгудек бўлса, 2012 йилда Европа Кубоги Россияда бўлиши айтилди.



ФЕРГЮСОННИНГ ЯНГИ ШАРТНОМАСИ



Алекс Фергюсон «Манчестер юнайтед» билан янги контракт тузишга тайёр эканлигини маълум қилди. Британиянинг «Дейли Миррор» газетасининг ёзишича, Фергюсон 4 йиллик контрактга имзо чекади. Ҳар бир йил учун у 3,5 миллион фунт стерлинг (5 миллион доллар) олади. Бу шартнома асосида Фергюсон дунёдаги футбол мураббийлари ичида энг кўп ҳақ оладиган кишига айланиши мумкин.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ

Халқ таълими вазирлиги, ўқувчи ёшлар ўртасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, улар билан профилактик ишларни олиб бориш учун мўлжалланган жиҳозлар, ўқув қуроллари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи кўргазмалар плакатлар чиқариш учун танлов эълон қилади.

Танловда Республикаимизда фаолият кўрсатаётган барча турдаги нашриётлар, компаниялар, фирмалар, таълим муассасалари учун ўқув жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилот ва муассасалар жорий йилнинг 1 декабрига қадар ўзларининг ишланмалари ва таклифлари билан Халқ таълими вазирлигига мурожаат этишлари керак. 1 декабрдан кейин мурожаат қилган ташкилотларнинг таклифлари инobatта олинмайди.

Мурожаат учун телефонлар: 139-16-65, 139-46-95.
Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5, Халқ таълими вазирлиги

Россия терма жамоаси биринчи марта теннис бўйича Дэвис кубогида иштирок этди. Унда асосий фигура Марат Сафин бўлди.



Теннис оламида йилнинг энг кучли теннисчи аёли деб Серен Уильямс деб топилди. Энг қизиги у уч марта ўтган катта турнирлардаги финалда синглиси Винус билан учрашди.

Британиялик боксёр Леннокс Льюис дунёнинг энг кучли боксёри, собиқ чемпион Майк Тайсон устидан ғалаба қозонди. Энг қутилмагани, уни нокаутга учратди. Бокс оламидаги Муҳаммад Али эса шу вақтда 60 ёшини нишонлади.



«Формула — 1» аъзоси Михаэл Шумахерни «Формула-1»нинг ягона учувчиси дея тарифлади.

Уч минг йилликнинг одам ва компьютер ўртасидаги шахмат матчи биринчи марта дуранг билан яқунланди. Россиялик гросмейстер Владимир Крамник ва шахмат компьютери «Дин Фриц» ўртасида 8 партия баҳс ўтказдирилиб ҳисобларга 4 очкодан ёзилганди.

Компьютер Крамникка қарши ўйнаш учун секундига миллион комбинацияни амалга оширганди.



Россиялик саяхатчи Федор Конохов Атлантика океанини эшаккли қайиқда сузиб ўтиб, янги рекордни ўрнатди. У океан орқали Канар ороллари билан Барбадосгача 46 суткада ётиб борганди.

КРЕМЛ КУБОГИ

Москвада шу кунларда «Кремл кубоги» учун теннис бўйича турнир бўлиб ўтмоқда. Бунинг энг аҳамиятли томони Евгений Кафельников охири марта Россия теннис кортига чиқади.

Москва Мэри Юрий Лужковнинг айтишича, бу турнир оммабоп бўлиб қолади. «Кремл кубоги»нинг умумий мукофот фонди 2,3 миллион долларни ташкил қилади. (1 миллион эркаклар турнирига, 1,3 миллион аёллар турнирига).



Хурматли инглиз тили мухлислари!

Халқаро телеканалда ҳар яшанба намойиш этилаётган «Инглиз тили курси» теледастурининг навбатдаги бешинчи дарс саволларига жавобларингизни кўтиб қоламиз:

1. What were the critics telling about the story: "The Gift of the Magi"?
2. Why do you think the title of the story is: "The Gift of the Magi"?

Жавобларингизни Тошкент 700011, Навоий 69, ТВ-4 «Инглиз тили курси» дастурига ёки uztv-4@uzpak.uz манзилга юборишингиз мумкин.

Ҳамза туманида жойлашган «NASHIDA» хусусий фирмаси ўз Устав фондини 195.682.000 дан 30 миллион 682000гача камайтиради. Эътирозлар бир ой ичида қабул қилинади.

Собир Раҳимов тумани ҳокимининг 1136-сонли қарорига асосан 2002 йил 7 октябрда Ж.М.Худоярова номига берилган 522607 сонли тадбиркорлик гувоҳнома маси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 127-мактаб томонидан 2002 йилда Юсуфов Раҳматилла Абдуқадировичга берилган О'Р-З № 1428388 рақамли 9-синфни битирганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Qatra

"Ха, яна Икромбой раҳбарга ўзларини кўрсатмоқчи эканлар-да", — деди Собир ҳаммага эшиттириб. Шунда ўқитувчи кўзойнаги устидан Собирга маъноли қараб қўйди.

Икром уялибгина доскага чиқди. Барчанинг кўзи унда. У ерга қараганча, у ёқбу ёғини тўғрилаган бўлди. Қойиллатиб уйга вазифани айтиб берди, ўқувчилар индамай қолишди. Муаллим унга майингина жилмайиб қўйди. Алиева дарсдан кейин Икромни ёнига қақриб: "Ўғлим, ҳаракат қилса бўларкан-ку. Мени бугун роса қувонтирдиган-да", — деди мамнуният билан.

Бу муваффақият Икромни янада руҳлантириб, секин-аста илғор ўқувчилар сафига қўшди.

Ноила Алиеванинг билдирган ишончи туфайли Икром инглиз тилига ўзгача меҳр қўйди. Бу фанга оид китобларни харид қилиб, уларни мутолаа қила бошлади.

Муаллим Икромнинг инглиз тилига бўлган иштиёқини ўз вақтида пайқаб, кўшимча дарс ўта бошлади.

Икром туман олимпиадасида қатнашадиган бўлди. У топшириқларни бажариб, ташқарига чиққанда, сеvimли устози кутиб турарди. Ноила Алиева Икромни гапга тутиб ҳам ўтирмай, кетишга рухсат берди.

Эртасига муаллим синф хонасига кириб, Икромни туман олимпиадасида биринчи ўринни эгаллагани билан қутлади. Бу хушxabар нафақат Икром, балки бутун синф ўқувчилари учун ҳам қутилмаган янгилик эди.

Силола ТИЛЛАБОЕВА
Самарқанд шахри

Ko'ngil bitiklari

ЖАННАТИСИЗ
МУАЛЛИМ

Сизнинг меҳнатингиз жуда оғир,
Шунчалар бағрингиз кенгми, ахир.
Олғайсиз олқишу савоб охир,
Сиз жаннатисиз, устоз муаллим.

Сизда мустаҳкам ирода, тоқат,
Устоз, мулойим, камтарсиз фақат,
Ҳамиша соғ юриб, кўринг роҳат,
Сиз жаннатисиз, устоз муаллим.

Ўргатдингиз бизга ёзуву ҳарф,
Сўз ҳам етмайди қилгани таъриф.
Бизга умрингизни қилдингиз сарф,
Сиз жаннатисиз, устоз муаллим.

Сизга тассанно, устоз муаллим,
Меҳрингиз дарё, мумтоз муаллим.
Қанча ардоқласак оз муаллим,
Сиз жаннатисиз, устоз муаллим.

Табригин битди Нурмат муаллим,
У ҳам олган Сизлардан таълим.
Сизга қойилмиз, азиз муаллим,
Сиз жаннатисиз, устоз муаллим.

Нурмат ҲАЙДАРОВ

Дарслар тугаган, бироқ ўқитувчи бугун синф мажлиси бўлишини тайинлагани учун ҳам ўқувчилар ҳали уйга кетишмаган. Ўғил болаларнинг югур-югуридан синфда чанг кўтарилганди. Доска ёнида янги чарм курткани елкасига илиб, қаддини фоз тутиб олган Гулбека ҳамма қизларни ўзига қаратиб гапирар, дугоналарининг ҳавасини янада орттириш учун оғиз кўпиртириб мақтанарди. Қизларнинг жиғига тегишни хуш кўрадиган Ботир олдинги қатордаги парта тагидан Гулбеканинг чиройли қора сумкасига қўлини текиб, қип-қизил олмани олди. Уни иштаҳа билан тишлаган ҳам эдики, бирдан юзи буришиб кетди. Қизлар турган томонга билинтиймай, олмани отиб юборди. У тўппа-тўғри келиб, Гулбеканинг бошига теги. Кутилмаган бу зарбадан Гулбека ўзини йўқотиб қўйди. Шунда бирдан кулгу кўтарилди. У бунга чидолмай йиғлаб юборди. Китоб варақлаб ўтирган Икром шартта ўрнидан турдию, уйланиб қолди: "Ботирнинг олдига бориб, унга танбех берсам-чи? Э, йўқ, Икром Гулбекани яхши кўраркан деб айтишса, иккаламиз ҳам маломатга қоламиз, ахир".

Шу пайт Ноила Алиева синфга кириб келди. Болалар ҳам тезда жойларига ўтириб олишди. Ўқитувчи имлаши билан Зафар ўрнидан туриб, деразаларни очиб қўйди. Салқин шамол дарахтларнинг сарғайган япроқларини синфга учуриб кирди.

Қўлларини столга тираб турган муаллимнинг чарчаганлигини кўзларидан уқиб олиш қийин эмас. У нафасини ростлаб олиб, синф мажлисини бошлаганди, Са-

нобар келди ва киришга изн сўраб, жойига бориб ўтирди. Ўқитувчи ялт этиб, эшикка қаради ва янги дагани кўриб: "Болалар буни ким ўрнатди?" — деб сўради. Ҳеч ким индамади. Синфга оғир жимлик чўқди. Шунда орқадаги партада ёлғиз ўзи ўтирган Икром секингина қўл кўтариб: "Мен" — дея жавоб берди.

— Вой, шу Икромнинг қўлидан ҳам иш келарканми? — деди ўқувчилардан



бири қулиб. Синфда ғала-ғовур бошланди. Ноқулай аҳволга тушиб қолган Икром қизариб кетди. Шунда синф раҳбари ўрнидан туриб:

— Бўлди қилинглр. Икромнинг сизлардан кам жойи йўқ. Одам қилган ишни, одам қилади. У жудаям ақлли, одобли, қўли гул бола. Ишонаманки, у ҳаракат қилса, ҳадемай ўқишлари ҳам яхши бўлади. Шунини ёдда тутинглрким, интилиш ва ҳаракат инсонни камолга етказди, — деди.

Шунда Икромнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Ҳалигача, уни ҳеч қайси ўқитувчи мақтамаган эди-да. Нахотки уни ҳам тушунадиган муаллим топилган бўлса?

Икром табиатан босик, жуда тортинчоқ. Ҳамма билан ҳам чиқишиб кета олмайди. Синфдошлари негадир уни менсимайдилар.

Ўғил болалар ҳатто, футбол ўйинига ҳам Икромни кўшишмайди. Ўқитувчилар ундан сўраб ҳам ўтирмай, "уч" баҳо қўйишади. Шундай пайтларда ўқишдан Икромнинг кўнгли совийди. Бироқ бундай ҳолатга у аллақачон кўникан.

Икром мактабдан чиқиб, асфальт йўлдан бораркан, ёмғирдан сўнг ердан кўтарилаётган ёқимли хид унга хуш ёқди. Булутлар орасидан чиқаётган қуёш ҳам



фақат унинг учун нур сочаётгандек эди, гўё. Жилдини кўтариб олган Икром дам сакраб, дам югуриб уйга қандай етиб келганини пайқамай қолди.

Ўқитувчининг унга айтган гаплари ҳамон қулоқлари остида. Бу илиқ муносабат Икромни яхши ўқишга ундай бошлади.

Танаффус пайти бўлганлиги учун ҳам синфда шовқин-сурон. Биргина Икром лугат дафтарини кўтариб олганча, ташқарида муаллимни сабрсизлик билан кутарди. Ниҳоят, орзиқиб қутилган дарс бошланди. Муаллим инглиз тилидан уйга берилган вазифани сўрагани, ўқувчилардан садо чиқмади. Ҳамма саросимада. Хуноб бўлган ўқитувчи қўлига синф журналини олган ҳам эдики, Икром: "Жавоб берсам майлими? — деди секингина ийманиб.


ОЛТИ ҲАРФЛИ БОШҚОТИРМА

Циклокроссворд

Қадрли газетхон, ушбу бошқотирма соат мили йўналишида ҳал этилади.

1. Ўзбекистондаги вилоят.
2. Устки кийим.
3. Сайроқи қуш.
4. Йўл қурилиш иншооти.
5. Жаҳон шахмат тождори.
6. Ҳамдўстлик мамлакатларидан бирининг пойтахти.
7. Географик асбоб.
8. Коинот жисми.
9. Адабий жанр.
10. Нордон ширин мева.
11. Донли экин.
12. Суюмли нон.
13. Олқиш.
14. Ўтмишни эсга олиш.
15. "Темир хотин" асаридаги аёл.
16. "Ганг дарёсининг кизи" асари қаҳрамони.
17. 366 кунлик йил ҳисоби.
18. Тутуни фойдали ўсимлик.

19. Хидир Деряев асари.
20. Кўқон — Тошкент йўлидаги доvon.
21. Уруғсиз узум нави.
22. Муқаддас диний оятлар.
23. Билим даргоҳи.
24. Давлатнинг рамзий белгиси.
25. Ёғочдан ўйиб ишланган идиш.
26. Мурдага ўқиладиган намоз.
27. У дунёдаги муқаддас жой.
28. Ҳалқум касаллиги.
29. Парда осиладиган дор.
30. Америкадаги давлат.
31. Африканинг жанубий-



гарбидаги давлат.

32. Ёввойи йиртқич ҳайвон.

33. Арманистон футбол жамоаси.

34. Никотин моддали ўсимлик.

35. Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби.

36. Амал, лавозим.

37. Давлат рамзларидан бири.

А... А
ҳарфи топқирлик машини.

1. Қитъа.

2. Марказли ёпиқ эгри чизиқ.

3. Ҳар томонлама билимдон киши.

4. Сувоқчилик асбоби.

5. Дорихона номи.

6. Рим афсоналарида тонг ёғдуси маъбудаси.

7. Ҳиндистондаги археологик комплекс.

8. Айриш амалининг натижаси.

9. Олов ёғдуси.

10. Қрим вилоятидаги шаҳар.

11. АҚШ штати.

12. Суюқлик дорилар сақланадиган шиша идиш.

13. Шакл кўчиришнинг махсус ўлчови.

14. Қадимий Ҳинд сулоласи.

15. Марказий Италиядаги шаҳар.

16. Маълумот учун тайёрланган сўроқ варақаси.

17. Венесуэладаги дарё.

18. Эфиопиядаги шаҳар.

Тузувчи:
Турсунали ҒАНИЕВ,
Бувайда тумани

Ma'rifat

ТАЪСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САЙДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумавазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот Кўмитасида
№ 20 рақам билан 12 июнь
1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-925.
Тиражи 19852. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Насиба ЭРХОНОВА.
Навбатчи:
Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Тахририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Белгисиз остида реклама материаллари берилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими —136-54-69.

Баҳоиси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лиляя БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.